Декабрь 2010.

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ

Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш мақсадида барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида Маънавият ва маърифат ишлари бўйича комиссиялар тузилган.

3 бет

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД ОДДИЙ ҲОЛ ЭМАС...

«Оммавий маданият»нинг ана шундай — бир қарашда кўз илғамас таҳдидларини ўз вақтида англаш, ўсиб келаётган ёш авлод онгини ана шундай ахлоқий бузуқлик, маънавий тубанлик ва зўравонлик иллатларидан асрашимиз долзарб вазифалардан.

6 бет

ХУФЁНА МОЛИЯВИЙ ҲАРАКАТ

Ўтган вақт мобайнида «Тяньши инвест" "учарлари" 172 минг нафардан зиёд одамни «тузоққа» илинтириб, маҳсулотларини қиммат нархда пуллаши натижасида 39 млрд. 637 млн. 944 минг сўмдан ортиқроқ мулкни қўлга киритганлар.

7 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

47 (753)

Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри 2010 йил 2 декабрь. Пайшанба 1996 йилдан чиқа бошлаган

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ

Тошкентда "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалалари ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг офиси томонидан ташкил этилди.

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Италия, Сингапур, АҚШ, Украина, Японияда экспертлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ўтказишдан мақсад — Президентимиз Ислом Каримовнинг парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич, тизимли ва комплекс равишда, изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичи бошланганидан далолатдир. Мазкур концепциянинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа – дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари тубдан қисқартирилгани, бошқарув номарказлаштирилаётгани, парламент ва кўппартиявийлик тизимлари мустаҳкамланиб бораётганини таъкидладилар. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятини қуриш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни чуқурлаштириш йўллари белгилаб берилган, пухта ўйланган ва ҳар томонлама асосланган мазкур концепциянинг ҳаётга жорий этилиши фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойларда ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва самарали натижалар бераётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида фикр алмашди. Дунёнинг аксарият давлатларида глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида ишлаб чиқариш суръатлари жиддий пасайиши кузатилган бир пайтда мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида юқори иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш суръатлари таъминланди. Хорижий экспертлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш асосида ушбу соҳани янада эркинлаштириш фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди.

Фрэнк ЛЕМКЕ, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзоси (Германия): «Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Амалга оширилаётган барча ўзгаришлар мамлакатни тубдан демократлаштириш масалалари муваффақиятли ҳал этилаётганидан далолатдир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида жойлашган "IRODAT TEKST" масъулияти чекланган жамияти 2004 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда асосан корхона ва ташкилотларга буюртма асосида махсус кийимлар тикилади.

Маҳсулотлар сифати алоҳида эътирофга лойиқ. Россия, Туркия, Япония ҳамда Хитой давлатларидан келтирилган замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозанган корхонада ҳозир 100 нафарга яқин ишчи хизмат қилмоқда. Ишчиларнинг аксариятини шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар ташкил этади. Яна бир эътиборли ҳолат: корхона ва маҳалла фуқаролари йиғини ўртасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг натижасида ҳудудда истиқомат қилувчи аёлларнинг бандлиги масаласи ижобий ечим топган. Шунингдек, маҳаллада ўтадиган катта-кичик тадбирларда корхона баҳоли қудрат ҳомийлик қилиб келмоқда.

Айни кунларда корхона мутасаддилари фаолият доирасини янада кенгайтириш устида астойдил иш олиб бормоқдалар. Яқин келажакда бу ерда болалар кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу эса яна бир неча ўнлаб янги иш ўринларини очиш имконини беради.

Носир Ҳайдаров олган сурат.

Ифтихор

ДУНЁ УЗРА БАЛАНД ТУТИБ ВАТАН БАЙРОҒИН

Ўзбекистон спортчилари жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Қитъамизнинг энг йирик спорт фестивалида 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза, жами 56 медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларида эришган муваффақиятлари мустақиллик берган улкан имкониятлар, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Спортчиларимиз Осиё ўйинлари мусобақаларида 1994 йилдан бери иштирок этиб келишмоқда. Айнан ўша йили Японияннинг Хиросима шаҳрида ўтган XII ёзги Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари 42 та медалга эгалик қилишганди. Шунингдек, XIII, XIV ва XV ёзги Осиё ўйинларида ҳам юртимиз спортчилари ишончли натижаларга эришиб, Ўзбекистон байроғини сарбаланд этишди. Бу галги Осиё ўйинлари эса том маънода Ўзбекистоннинг спорт салоҳиятини дунё аҳлига кўз-кўз қилиш билан бирга спортчиларимиз учун 2012 йили Лондонда ўтадиган навбатдаги Олимпияда ўйинлари олдидан муҳим тайёргарлик босқичини ўтади, дейиш мумкин.

2009 йил 5 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Параолимпия ўйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори эълон қилиниб, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Дунёнинг ривожланган давлатларида ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этилди. Натижада ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз спортчилари қатор халқаро мусобақаларда ёрқин ғалабаларга эришди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида спортчиларимиз олган зарур кўникмалар Лондон Олимпиадасида ўз самарасани беради, албатта.

СПОРТ > [8]

Тадбир

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ

Пойтахтимизда икки кун давом этган халқаро форум шундай номланди. Тадбир Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси, ЮНЕСКО, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси каби қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Украина, Исроил, Қозоғистон каби давлатлардан мутахассислар, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Юртимиз келажаги бевосита ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ экан, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ва ижтимоий фаоллигини изчил юксалтириб бориш долзарб масала саналади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг кейинги йилларда қабул қилган фармон ва қарорлари, шунингдек, бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари, таълим дастурларида оила, оналик ва болалик, ўсмирларни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Айниқса, жорий йил давлат дастурида баркамол авлодни тарбиялашнинг ҳуқуқий асослари ва меъёрий ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатининг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Халқаро форумда таъкидланганидек, юртимизда баркамол авлод тарбиясига доир чора-тадбирларни кучайтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигига жиддий эътибор қаратиш каби масалалар ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлгани боис, салмоқли натижаларга эришилмоқда. «Соғлом она – соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлар, янги туғруқхоналар барпо этиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси эртага – 2010 йил 3 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун – 2010 йил 2 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

САХОВАТДАН ЁРИШАР ДИЛЛАР

Каттақўрғон шаҳрида туғилиб ўсган Дилдоранинг илм-фанга бўлган қизиқиши, иштиёқи ота-онасини хурсанд қилса ҳам, уларнинг кўнглида қандайдир хавотир бор эди. Чунки қизалоқ тенгқурлари каби тўрт мучаси соғлом эмасди... Аммо қизчанинг қалбини умид тарк этмас, у нурли манзилларни кўзлаб улғаярди.

— Дилдора Ўзбекистон миллий университети талабаси бўлган кун севинчдан бошимиз осмонга етди, — дейди унинг онаси М.Турсунова. — «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан қизимнинг ўқиши учун шартнома пулини тўлаб берилгани эса нафақат бизнинг, балки қизимизнинг ҳам қалбига севинч улашиш билан бирга умид туйғусини ҳам кучайтирди. Юртимизда ҳеч бир инсон безътибор қолмайди. Бундай мурувватдан, эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган қизим бор куч-ғайратини илм олишга сарфламоқда, келажакда она-Ватан корига ярайдиган етук мутахассис бўлишни астойдил кўнглига туккан.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг бундай саховат тадбирларига қўшаётган ҳиссаси бисёр. Имконияти чекланган инсонларга жамғарма томонидан ҳадя этилган ортопедия мосламалари, эшитиш аппаратлари, ногиронлар аравачалари уларнинг мавжуд имкониятларини кенгайтирган бўлса, билимга чанқоқ ўғил-қизларга тухфа этилган компьютер жамланмалари уларнинг илм сирларидан имкон қадар бахраманд бўлишларини таъминламоқда. Чунончи, Дилдора Турсунова сингари жисмоний имконияти чекланган талаба-ёшларнинг 2010 — 2011 ўқув йили учун шартнома пулини тўлаб беришга жамғарма томонидан 15 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Менга кўрсатилган маънавий ва моддий мададдан шуни англадимки, демак, юртимизда инсон қадри улуғ, муқаддас. Инсон тақдири ва келажагига эътибор бир лаҳза ҳам сўнмайди. Бундай эътибордан қалбимда кун сайин куртак очаётган орзуларим мавжланади. Шу нурли орзуларим ортида менга тоғдек тиргак, мадад бўлиб турган ҳукуматимиз борлиги, ҳар дақиқада қўллаб-қувватлаб турувчи меҳрибон инсонлар мавжудлигини ҳис қилишнинг ўзи катта бахт. Ҳар байрам ва тадбирларда бизни турли ташкилотлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси совға-саломлар билан қутлаб туриши кўнглимизни тоғдек кўтаради. Атрофимизда яхши, меҳрибон инсонлар кўплигидан хурсанд бўламиз. Ўқишим учун бир йиллик тўлов шартнома маблағини тўлаб берган «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ўзбекистон миллий университети 4-курс талабаси, II гуруҳ ногирони Наргиза Раҳимова.

Ҳа, ана шундай саховатдан, мурувватдан кўнгли тоғдек кўтарилаётган юртдошларимиз талайгина. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ҳар қандай рағбат келажакда мевасини бермасдан қолмайди, албатта. Ногиронлар кунига бағишланган бундай саховат тадбирлари жамғарма томонидан давом эттирилмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ

< [1]

Давлатингиз раҳбари юритаётган сиёсат бутун халқингиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари томонидан таклиф этилган Президентнинг айрим ваколатларини мамлакат парламентига ўтказиш, Бош вазирни сайлаш тизими муҳим янгиликларандир. Халқ сайлаган депутатларнинг масъулиятни чуқур ҳис этиб, бундай ваколатларни ўз зиммасига олиши, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси кўплаб давлатлар учун демократияни ривожлантириш борасида намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин».

Виталий КУЛИК, Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ қилиш маркази директори (Украина): «Ўзбекистонда «шок терапияси»дан воз кечилиб, ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда изчил амалга оширишга асосланган ўз ривожланиш моделининг танлангани мустақил давлатни барпо этиш борасидаги энг тўғри йўл бўлди. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган амалга оширилаётган туб ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир Концепция демократик институтларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади, кўппартиявийликнинг барқарор платформасини яратиш, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, мухтасар айтганда, ислоҳотлар жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. МДҲдаги аксарият давлатлардан фарқли равишда, Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2007 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳисобланади, деган норма чиқариб ташланган эди. Ҳукуматни энди парламент ва парламентдаги кўпчилик шакллантириши навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини амалга оширишдаги сиёсий партияларнинг масъулияти сезиларли даражада кучаяди. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш, маҳаллани аҳолига аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказига айлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш Концепцияда белгиланган муҳим вазифалардандир. Давлатнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси ноёб бўлиб, ўрганишга лойиқдир. Собиқ совет республикалари ҳудудида ташкил топган аксарият мамлакатларда Ғарб хайрия жамғармалари асосий грант берувчилар ҳисобланади. Давлат фуқаролик жамияти миллий институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ўзининг сиёсий иродасини намоён эта олмаса, давлат ва жамият ўртасида муайян келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондан фарқли равишда, Грузия, Украина, Қирғизистонда шундай ҳолат кузатилмоқда. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантиришда бой тажрибага эга ва бу тажриба МДҲнинг бошқа давлатлари, шу жумладан, Украина учун ҳам фойдали бўлади».

Святослав ВАРАДЖАКОВ, Кембриж форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти (Буюк Британия): «Президент Ислом Каримовнинг маърузасида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш назарда тутилган. Бу борада белгиланган туб ўзгаришлар Ўзбекистон халқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро майдонда мамлакатингизнинг сиёсий нуфузини янада юксалишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингиз демократия йўлидан қатъият билан бораётганидан ва кенг жамоатчилик ҳамда ҳукуматнинг ўзаро самарали ҳамкорлик қилишга тайёрлигидан далолатдир. Давлатингиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция Ўзбекистонга сармоя киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим рағбат бўлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг жадал ўсиши амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мунтазам камайтирилмоқда, айни пайтда у самарали менежер, зарур таркибий ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширувчи бўлиб қолмоқда».

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократик институтнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори (АҚШ): «Ўзбекистон танланган ислоҳотларнинг самарали моделини бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли қўллаши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга оширишда ва мамлакатингизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Демократлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг тажрибасини янада батафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш зарур».

Вольфганг ШРАЙБЕР, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти (Германия): «Маҳалла – Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз фаолиятида одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва манфаатларини ифодалайди. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омил бўлади. Мамлакатингизда маҳалла, сиёсий партиялар роли янада ошади».

Халқаро конференция иштирокчилари очиқ мулоқот руҳида ўтган муҳокамалар якунида Ўзбекистонда амалга оширилаётган комплекс демократик ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Конференцияда Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг кўплаб давлатлари учун мамлакатни демократия тамойиллари асосида изчиллик билан самарали ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

«ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН» КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, хусусан, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари томонидан ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликнинг олдини олиш шулар жумласидандир.

Қарорга асосан белгиланган тартибда тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва божхона тўловларини тўлашда берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилди. Банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхати кенгайтирилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Жойларда, жумладан, чекка қишлоқларда ҳам терминал билан жиҳозланган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, муомаладаги пластик карточкалар сони тобора кўпаймоқда. Аҳолининг ушбу тўлов воситасига бўлган қизиқиши, унинг қулай ва фойдали эканлигига ишончи ортмоқда.

«Алоқабанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи Зокир Иброҳимовнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида банк томонидан 28 минг 293 пластик карточка муомалага чиқарилган, жойларда 900 донадан ортиқ терминал ўрнатилган. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан пластик карточкалар сони 56 фоиз, терминаллар қарийб икки баравар кўпайди, демакдир.

Коммунал хизматлар ва телефон алоқаси учун тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратаётган «Алоқабанк»нинг асосий терминаллари почта ва телефон алоқа бўлимларига, банк филиал ва жамғарма кассалари ҳамда мини-банкларига ўрнатилди. Қолган қисми турғун савдо ташкилотлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш ҳамда бошқа пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидан жой олган.

Пластик карточка – банк томонидан шахсга берилган тўлов воситаси бўлиб, у орқали карточка эгаси нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Юртимизда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ҳисобрақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилаётгани "электрон ҳамён" эгалари ҳамда сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида «Алоқабанк» пластик карточкалари ҳисобрақамларига қарийб 10,9 миллиард сўм ўтказилган. Бу эса 2009 йилнинг шу давридагидан 1,2 баравар кўпдир. Банкнинг 92 фоиз пластик карточкаси турли мулкчилик шаклидаги 1,3 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўз пластик карточкалари ҳамда терминаллари сонини кўпайтириб бораётган мазкур банк томонидан бугунги кунда муомалага чиқарилган халқаро тўлов карточкаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, аҳолига янги хизмат турларини таклиф этиш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Тадбир

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ

< [1]

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамғармаси турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кўплаб ижтимоий-маърифий, спорт-соғломлаштириш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

— Маҳалладаги тарғибот ва ташвиқотни яхши йўлга қўйиш, ёшларнинг турли ёш даражаларига ҳамоҳанг тарздаги ранг-баранг тадбирларнинг ишлаб чиқилиши репродуктив саломатликни муҳофазалаш ва билимларини тўғри шакллантиришда яхши самара беради, — дейди анжуман иштирокчиси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳимова. — Зеро, репродуктив саломатлик асосларини гўдаклик давриданоқ шакллантириб бориш лозим,.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Айнан ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани қувонарли, албатта. Баркамол авлод йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди. Жумладан, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги баркамол авлод тарбиясидаги энг муҳим омил бўлиб қолмоқда. Бу ҳамкорлик бугун таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш юзасидан қатор давлат дастурларнинг амалга ошишида ҳам қўл келмоқда.

Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Бу ишлар самараси ўлароқ, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар сони тобора камаймоқда. Форумда ўтган етти йил давомида бундай болалар сони 28 фоизга камайгани алоҳида эътироф этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни жараёнда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш бу борадаги ишлар самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилади. Форум иштирокчилари икки кун давомида соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган мавжуд қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш, имконияти чекланган болалар таълимини такомиллаштириш, болалар ногиронлигининг олдини олиш каби қатор йўналишлар бўйича секцияларга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар.

Ю. ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Кўрик-танлов

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

Маҳалла — қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, анъана ва қадриятлар шаклланадиган маскан бўлиб келган. Шу боис ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлод онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат, эл шаънини ардоқлаш каби фазилатларни шакллантириш, маҳалланинг тарихи ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш мақсадида Республикамизда ҳар йили «Менинг маҳаллам тарихи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

«Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида ўтаётган ушбу танлов «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Камолот ЁИҲ марказий кенгаши, республика Маънавият тарғибот маркази ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Куни кеча Ўртачирчиқ туманида мазкур танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

— Танловнинг дастлабки босқичлари вилоятимиздаги 1220 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилиб, унда 8 минг нафардан зиёд ёш иштирок этди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. — Бу кўрик-танлов ҳар бир ёш қалбида туғилиб ўсган маҳалласига ҳурмат, миллий удум ва анъаналарга меҳр туйғуларини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловда вилоятнинг ҳудудлараро мусобақаларида ғолиб бўлган Зангиота, Оққўрғон туманлари, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳри маҳаллаларининг жамоалари беллашишди. Якуний натижаларга кўра Чирчиқ шаҳридаги «Ифтихор» маҳалласининг «Баркамол авлод» жамоаси ғолиб деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Ҳафта мавзуси

ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсад ҳамда вазифалари муҳокамасига бағишланган илмий-амалий семинарда тасдиқланган қарори ижро учун қабул қилинди.

Жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан фуқаролар йиғинларида аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

3-декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тадбирларни юқори савияда уюштириш, айниқса, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг хонадонларини ҳашар йўли билан ҳомийларни жалб этган ҳолда жорий таъмирлашни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 23 ноябрдаги йиғилиши қарорига биноан, республиканинг барча ҳудудларида ногиронлар, имконияти чекланган болалар ва ёшлар учун махсус олимпиада дастури доирасида ўтказиладиган спорт тадбирлари ва хайрия концертларида уларга совғалар топшириш бўйича таклифлар киритилди.

Янги йил байрами арафасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун байрам тадбирлари ташкил этиш, уларга совғалар улашиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, ижросини таъминлаш юзасидан вазифалар аниқлаб олинди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мухбиримиз.

Семинар

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Инсон камолотида маҳалланинг аҳамияти, ўрни беқиёс. Чунки ҳар бир шахснинг ҳаёти, кундалик иш фаолияти бевосита маҳалладан бошланади. Бугунги кунда маҳаллада маънавий-маърифий тадбирлар изчил ўтказилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, аҳил ва ҳамжиҳатликни таъминлашда бу масканда истиқомат қилаётганларнинг ҳам фаоллиги ошмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларида ҳам кўпгина фуқаролар ўз уйи, маҳалласи тинчлиги, осойишталигини сақлаш билан бирга жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идораларига яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар.

Урганч шаҳар ҳокимлигида ўтказилган семинар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг иш самарадорлигини оширишга бағишланди. Унда шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталарининг раисалари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар, профилактика нозирлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, жами 450 нафардан ортиқ мутасаддилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ушбу жамоат тузилмаларининг фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида қатор таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, семинарда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни талаб даражасида ташкил этиш, бу йўналишда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш, одам савдосига қарши ҳамжиҳатликда курашиш ва доимо огоҳ, сергак бўлиш муҳимлиги қайд этилди.

Худди шундай тадбирлар Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Азизбек АҲМАДҚУЛОВ.

БОҒЧА ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ

Шу кунларда Андижон вилояти Қўрғонтепа шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг шодлиги чексиз. "Ташаббус ҳамкор равнақ" қурилиш фирмаси бунёдкорлари томонидан боғча капитал таъмирдан чиқарилди.

— Муассаса томини таъмирлаш, иситиш тизимини янгилаш учун 30 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди туман молия бўлими бошлиғи М.Тўйчиев. — Шунингдек, ушбу боғчанинг филиалини таъмирлашга ҳам 10 миллион сўм ажратилди. Туманимиздаги 48 та умумтаълим мактаби ва 26 та мактабгача таълим муассасасида қишки мавсумга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Тумандаги таълим муассасаларида қишки мавсум учун шу кунга қадар 1500 тоннадан кўпроқ кўмир ғамлаб қўйилди.

Мухбиримиз.

Маънавиятли ёшлар — юрт истиқболи

МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ

Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори маҳаллаларимиз аҳолисини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни юксак маънавиятли, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича олдимизга улкан вазифаларни қўйди.

Қарорда белгилаб берилган чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишда, қолаверса, маҳалла аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтиришда давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари ҳар жиҳатдан муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши хамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда 2010 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқдик. Шу дастур асосида вилоятдаги 352 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини орқали аҳолининг барча қатлами ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб боряпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маънавият тарғибот марказларининг туман ва шаҳар бўлинмалари ва халқ таълими муассасалари ходимлари, Гулистон Давлат университетининг олимлари, вилоятда ижод қилаётган шоир ва ёзувчилардан иборат 52 та махсус тарғибот гуруҳи тузилган. Бу гуруҳлар маҳаллаларда учрашув ва суҳбатлар ўтказяпти.

Маҳаллаларда маънавий-маърифий йўналишида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида Маънавият ва маърифат ишлари бўйича комиссиялар тузилган. Бу комиссиялар фаолияти жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан махсус сўровнома асосида мониторинг қилиб борилянпти. Мониторинг натижаларига қараб, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Маънавият ва маърифат ишлари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг хизмати катта, албатта. Жамғарманинг вилоят бўлими томонидан уларнинг хизмат жойлари, яъни "Маънавият хоналари"ни жиҳозлашга жиддий аҳамият қаратилган. Шу билан бирга, халқ таълими муассаларига қарашли бўлган 95 та кутубхона маҳаллалар ихтиёрига берилган. Кутубхоналарнинг ҳар бирида биттадан "Маънавият ва маърифат бурчаклари" ташкил этилди. Уларда Президент асарлари, газета ҳамда журналлар тўпламлари, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар жамланган.

Эътиборлиси, маҳаллалар ва уларнинг ҳудудларидаги ҳар бир корхона, ташкилот ҳамда таълим муассасаларидаги ижтимоий, маънавий-маърифий муҳит доимий равишда ўрганилиб, таҳлил этилиб борилади. Йўл қўйилган ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг оилалар билан ишлашини такомиллаштириш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Бу ишга 352 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида тузилган Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳам жалб этилган. Мазкур комиссиялар "Энг намунали оила", "Энг намунали уй бекаси", "Энг намунали келинчак" ва "Ёш пазанда" каби кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб келяпти.

Турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшларни аниқлаш ва уларни бу йўлдан қайтариш мақсадида фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари, маҳалла посбони ҳамда маҳалла ҳудудидаги мактаб, коллеж, бошқа ўқув муассасалари ўртасида изчил алоқа ўрнатилган. Ҳозирги пайтда вилоятимизда диний оқим таъсирига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар йўқ.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда чақириққача бўлган ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг давомийлигини таъминлаш учун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси "Камолот" ЁИҲ, "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Вилоятда 100 дан зиёд турли миллат вакиллари яшашади. Шуни инобатга олиб, Гулистон шаҳридаги маънавият ва маърифат марказида турли миллат вакиллари иштирокида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тарғиб этувчи давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилдик. Вилоятдаги корейс, славян, қирғиз, уйғур, украин халқлари миллий маданий марказларида ўтказилаётган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мавзуларидаги маъруза ҳамда суҳбатлар ўзаро ҳурматни, бирдамликни таъминлаяпти.

Барча эзгу саъй-ҳаракатларимиз маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган.

Абдурашид РУСТАМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси.

Жой номлари — қадриятлар тимсоли

ҚАЛБДА ФАХР ҲИССИ УСТУВОР

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимиз, эзгу анъана, урф-одатларимиз қайта тикланиб, кўҳна тарихимизга эътибор янада кучайди. Айни пайтда она тилимиз ривожи учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, жой номларини миллий ғоя ва мафкурамиз талаблари асосида ўзгартириш, қадимги номларни тиклаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 10 та қишлоқ, қўрғон фуқаролар йиғинлари ва улардаги маҳаллалар, туман марказидаги 13 та маҳалла фуқаролар йиғинида жойларнинг номларини ўзгартириш, қадимги номларни тиклашга катта аҳамият берилаётир. Чунончи, собиқ шўролар даврида Вревский посёлкаси Олмазор қўрғонига, Иттифоқ қишлоғи Эшонобод қишлоғи, деб ўзгартирилди. Шунингдек, кўплаб тарихий жойлар — «Қози», «Авғон», «Хўжа», «Ўймовит», «Тилла топган», «Катта тепа», «Деҳқонобод», «Йўлтушган» каби маҳаллалар номларининг қайта тикланганини ҳам миллий қадриятларимизга эътибор кучайганидан далолатдир.

— Истиқлолга эришганимиздан кейин йиғинимиз таркибидаги 6 та маҳалла ва улардаги 30 дан ортиқ кўчанинг номлари ўзгартирилди, аксариятининг тарихий номлари қайта тикланди, — дейди Олмазор қўрғони фуқаролар йиғини раиси Абдулла ака Раҳмонов. — Илгари 1-, 2-бўлимлар, деб номланган жой аслида олма, шафтолизор бўлгани учун «Боғбон» маҳалласи, «Кирпичная»—«Ишчилар», Ҳамза—«Гулистон», «Марказ»—«Наврўз», «Темир-йўл» эса «Расулобод» маҳалла фуқаролар йиғини деб ўзгартирилди. Шунингдек, «Гагарин», «Титов», «Невская», «Победа», «Суворов», «Николаев», «Фрунзе», «Чапаев», деб номланган кўчаларнинг номлари «Туркистон», «Мустақиллик», Амир Темур, «Янги ҳаёт», «Дўстлик», Нодирабегим, Бобур, Машраб, «Ўзбекистон», Абдулла Қодирий, Ойбек, Яссавий номлари билан аталаётир. Маҳалламиз ва кўчаларимизнинг тарихий номлари тиклангани ва ўзбекча номланганидан халқимиз жуда мамнун. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида яшаб турган маскани, маҳалласидан фахр туйғуси устувор. Чунки миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, кўҳна тарихимизга эътибор туфайли азалий орзулар ушалаётир.

— Собиқ шўролар даврида қишлоғимиз Ленин номи билан аталарди. Истиқлолдан сўнг Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини, деб юритиладиган бўлди, — дейди йиғин маслаҳатчиси Тахура Налибоева. — Бу ҳам истиқлолимиз берган улуғ неъматлардан бири, албатта.

Дарвоқе, ўтмишсиз келажак бўлмайди. Халқимиз кўҳна тарих зарварақларидан жой олган тарихий номлар, қадамжоларнинг бугунги кунда дилларимиздан жой олиб, тилларимизда янграётганига шукроналар айтмоқда. Зеро, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин».

Ҳабиба ШЕРОВА,
«Mahalla» муҳбири.

Раис сўз сўрайди

«ДЎСТЛИК»НИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Маҳалламизда 16 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Шу боис унга «Дўстлик» номи берилган. Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлган маҳалладошларимиз юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, кўплаб ютуқларга эришмоқда. Бу айниқса, ободончилик ва бунёдкорлик ишларида яққол кўзга ташланяпти.

Маҳалламиз Пахтакор шаҳрининг марказида жойлашгани боис саксондан зиёд савдо, умумий овқатланиш, маданий-маиший ҳамда сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Яқинда ушбу йўналишдаги фаолиятимизни янада такомиллаштириш режасини ишлаб чиқдик. Ҳозирнинг ўзида кўплаб савдо нуқталари ва дўконларга терминал ўрнатилиб, фуқароларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиляпти. Ушбу қулайликдан аҳоли миннатдор.

Сўнгги йилларда ҳудудимизда туман давлат солиқ инспекцияси, «Миллий банк» бўлими, санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ижодиёти маркази биноларининг қурилиб ишга туширилгани маҳалламиз қиёфасини янада ўзгартириб юборди. Деҳқон ва буюм бозори, автошоҳбекат, «Жиззахёғ» корхонаси бинолари реконструкция қилиниб, бугунги кун талаблари даражасида таъмирланди. Айни чоғда туман йўл қурилиш бошқармаси, «Ўзбекистон почтаси» туман бўлими, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари бинолари мукамал таъмирланиб, уларга тегишли ер ва майдончалар обод қилинаётир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича қилинаётган ишлар самарали якун топяпти. Мазкур вазифаларни босқичма-босқич адо этишда фуқароларимизнинг, айниқса, ҳомий ташкилотларнинг хизмати катта бўляпти. «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади», «Ёшлар саломатлиги — миллат келажаги» каби мавзуларда ташкил этилган давра суҳбатлари маҳалладошларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Яқинда маҳалламиз фаоллари билан гузар қуришга келишиб олдик. Бу ишни ҳудудимиздаги йирик ташкилотлар ўз оталиқларига олишди. Янги гузарда мазкур корхоналарнинг ўз хизмат объектлари бўлади. Раъно Ёқубова, Ҳамида Мустафоқулова каби тадбиркорлар шу жойнинг ўзида тикувчилик ва тўқувчилик цехлари очмоқчи. Гузар ишга тушса 30 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратаётирмиз. Биргина шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 67 нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 5 нафар ёлғиз қария ва ногироннинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. 2 та оилага бир бошдан сигир ҳадя қилинди. Жисмоний имконияти чекланган ҳамда уй шароитида таълим олаётган мактаб ўқувчиси Бобуржон Анорбоевга туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ёрдамида компьютер жамланмаси олиб берилди. Йил охиригача яна икки нафар ногирон болани компьютер билан таъминлаш режалаштирилган.

Муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликка мойил фуқаролар ҳамда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Бунга участка профилактика нозири Аъзамжон Шамсиев, маҳалла масъул котиби Баҳодир Тугилов ҳамда посбонлар сардори Ҳусан Маматқуловларнинг жонбозлиги эвазига эришилди. Маҳалла ҳудудида шу йилнинг ўтган даври мобайнида қонунбузарликка йўл қўйилмагани профилактик тадбирларнинг самараси, деб ўйлайман.

Бувзуҳро ИСОҚОВА,
Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.

© Фото-Носир Ҳайдаров

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Шофайзибоғ" маҳалласида бир неча йилдан буён замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқариш цехи фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда ҳозирда 10 нафар ишчилар хизмат қилмоқда.

— Цех жамоаси маҳалла билан доимий ҳамкорлик қилиб келади. — дейди маҳалла раиси Жўрабек Соипов. — Байрам ва тадбирларда фаол иштирок этиб, кам таъминланган оиларимизга моддий ёрдам кўрсатиб келади.

Томорқа — хонадон хазинаси

ЎЗИНГ ЕТИШТИРГАН ҲОСИЛ БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Юртимиздаги ҳар бир ҳудуд аҳолиси муайян бир соҳадаги ютуқлари билан шуҳрат топган. Чунончи, ромитанликлар Бухоро вилоятида томорқачиликда анча ютуқларни қўлга киритишган, десак янглишмаган бўламиз. Ҳатто бу борада ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларнинг ўз йўналиши бор.

Масалан, ҳазарбоғликлар узумчиликнинг ҳадисини олишган бўлса, Қўрғон анжирлари довруғи ҳатто пойтахт томонларга ҳам етиб келган. Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси хонадонларидаги иссиқхоналарида қишин-ёзин баҳор ҳавоси ҳукмрон. Бундан ташқари «Челонғу» сабзавотчилари, айниқса, "Чандир" маҳалласи соҳибкорлари меҳнати ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

"Чандир" маҳалласида истиқомат қилувчи Дониёр Нарзиев хонадонида оила соҳиби бўш вақт топди, дегунча ўзини томорқага уради. Аёли, икки нафар ўғли унга ёрдамчи. Баъзиларнинг ери ҳали яхоб сувини ичмаган, ағдарилмаган февраль ойида унинг томорқасида жўяк тортилиб, уруғлик картошка қадалади. Наврўзга яқин қолган жўякларга сабзи-пиёз, булғор қалампири, ловия, кўкат, помидор, бодринг ва бошқа экинлар экади. Барвақт пишган ҳосил йиғиб олингач, ўрнига дарҳол, кузги картошка, сабзи, шолғом, турп, лавлаги уруғларини қадайди. Қарабсизки, бир ердан йилда икки бор ҳосил олинади. Ана шу меҳнати туфайли Дониёр аканинг рўзғори доимо тўкис. Яқинда ана шу даромадлари орқасидан ўғил уйлантирди. Ҳовли-жойини замонавий қилиб янгидан қурди.

— Маҳалламизда 550 нафар хонадон ўз томорқасига эга, — дейди "Чандир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самад Хуроев. — Бунга 104 гектар ер, яъни маҳалла ҳудудининг қарийб ўн беш фоизи ажратилган.

Раиснинг айтишича, хонадонлар томорқаларида етиштирилган сабзавот экинлари оила эҳтиёжларидан ортиб, бозорга ҳам чиқарилар экан. Баъзи миришкорларнинг маҳсулотларини мижозлар Самарқанду Хоразмдан келиб олиб кетишаркан.

— Маҳалламизда сабзавотчилик авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, — дейди 73 ёшли Муҳаммад ота Тоиров. — Аммо баъзан айримларнинг томорқаси қуруқ ажриқзор бўлиб ётганини кўриб ачиниб кетаман. Яна денг, айнан ўшанақа бекорчилар кўчада қарта ўйнаб туришади-да, кейин йўқчиликдан, рўзғоридаги етишмовчиликдан нолишади. Ҳолбуки, тиллога тенг ерлари бўш ётибди. Уларга томорқанинг хонадон хазинаси эканини обдон тушунтираман.

Муҳаммад ота маҳалланинг олд томорқачилари сифатида Сафар Шодиев, Асқар Азимов, Пано Ўроқов номларини тилга олди.

Улардан П.Ўроқов томорқада иссиқхона ишини ҳам йўлга қўйибди.

— Ҳозирча 2 сотих майдонда иссиқхона барпо қилдим, — дейди у. — Аммо бу иш ўйлаганимдан кўра анча оғир экан. Биргина бодрингни олиб кўрайлик. Бу экин сувни яхши кўради. Эгатда намлик озгина камайса, дарров барги қуриб, тўкилади. Намлик меъёридан ошиб кетса, замбурғ касаллигига чалинади. Шу боис эгатларда намликни бир меъёрда сақлаб туриш керак. Ҳали бошқа ишловларни айтмадим. Аммо йил бўйи торттан заҳматларинг унинг мевасини тоттандан сўнг тарқаб кетар экан. Иссиқхонадан олган даромадимдан ўттан йили қизимни узаттандим. Бу йил эса "Дамас" машинасини сотиб олдим.

Дарҳақиқат, бой бўлиш учун «сеҳрли чироқ» шарт эмас. Астойдил меҳнат қилинса бас. Буни чандирлик деҳқонлар ўз тажрибалари билан исботлаб келишмоқда.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» муҳбири.

Аҳоли бандлиги

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — БИРЛАМЧИ ВАЗИФА

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, осойишталикни таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Айниқса, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси бирламчи аҳамиятга эга. Бу борада Хоразм вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 46228 та янги иш ўрини яратилди. Унинг 70 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келиши — мамлакатимизда мазкур соҳага берилаётган эътиборнинг ижобий ҳосиласидир. Муҳим жиҳати шундаки, янги иш ўринлари бевосита маҳаллаларнинг ўзида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда яратилмоқдаки, бу ҳунармандлик ҳамда касаначилик ривожига катта туртки бўлмоқда.

Янги иш ўринлари очишда турли сабабларга кўра ишламаётган ёки банкрот бўлган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Ҳозиргача вилоятда 394 та ана шундай корхоналар фаолияти қайта тикланиши натижасида 2635 та иш ўрини очилди. Жумладан, Урганч шаҳридаги «Даритал» қўшма корхонаси, Хонқа туманидаги «Мева СП», Хива шаҳридаги "Хива гиламлари», Шовот туманидаги «Шовот текс» корхоналари фаолияти қайта йўлга қўйилдики, эндиликда бу жойларда юзлаб инсонлар меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Президентимизнинг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра вилоят бўйича 52 та ихтисослаштирилган таъмир-қурилиш ташкилоти тузилди. Бунинг натижасида 1300 дан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда касаначиликка қаратилаётган эътибор ҳам яхши самара бермоқда. Рақамга келсак, ўтган вақт мобайнида уч мингга яқин касаначилик ўрни ташкил қилинди. Бу, бир томондан, белгиланган режа 103,8 фоизга бажарилганини кўрсатса, иккинчидан, касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 652 млн. 887 минг сўмни ташкил қилганини англатади. Учинчидан, касаначилик меҳнатини ташкил этган корхоналарга берилган имтиёзлар ҳисобига улар 67 млн. 242 минг сўм маблағни тежаб қолишга эришдилар.

Янги иш ўринлари очиш, аҳолининг зарур қатламини ишга жалб қилишда меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Бу жараёнда ҳокимликлар, прокуратура, бандликка кўмаклашиш марказлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари, ёшлар ташкилотлари, ҳудудлардаги корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари вакиллари фаол қатнашмоқдалар. Тўққиз ой давомида 50 марта ана шундай ярмаркалар ташкил этилиб, унда 2637 та корхона ва ташкилот 16775 бўш иш ўрини билан қатнашди. Мазкур ярмаркаларга жалб қилинган фуқаролардан 7687 нафари доимий иш билан таъминланди, 5544 нафар фуқароларга бошқа хизмат турларида ишлаш таклиф этилиб, маслаҳатлар берилди. Бунда, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги масаласини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилинаётир. Ёшлар келажагимиз эканини назарда тутган ҳолда қайси шаҳар ёки туманда қайси касб-ҳунар коллежини битиргани, қаерда яшашлари ва ишга ёки олий ўқув юртларига кирмоқчилиги тўғрисида мониторинглар ўтказилиб, маълумотлар базаси яратилмоқда ва шу асосда иш олиб борилаётир.

Муҳтожларга мададкор бўлиш бурчимиз. Ҳозиргача ногиронлардан 122 нафари аравача, 59 нафари эшитиш, 73 нафари қўлтиқтаёқ, 285 нафари протез ортопедия мосламаси билан таъминланди. 1614 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда соғлиқларини мустаҳкамладилар. Ўзгалар парваришидаги ёлғизлар, етимлар, ногиронлардан 1173 нафарига 104,6 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 25 нафар якка-ёлғиз кишилар уй-жойлари таъмирлаб берилди. Оталиғимиздаги «Мурувват уйи»га тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар томонидан 50 млн. сўмга яқин ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги масъулиятни чуқур англаганимиз ҳолда фаолликни янада ошириш; хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириб бориш доимий ишимиз, касбимиз тақозоси. Бунда «Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг хизматлари алоҳида таъкидга лойиқ.

Рўзимбой ҚУРБОНОВ,
Хоразм вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.

Намунали маҳалла

БЕКОРЧИЛИК БИЗГА БЕГОНА

Тошназар Райимқулов номидаги маҳаллани нафақат Оқдарё туманидаги, балки Самарқанд вилоятидаги энг намунали фуқаролар йиғинларидан бири сифатида тилга олишади. Бунинг боиси маҳаллада кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаётгани, қишлоқларда замонавий уйлар, иншоотлар қурилаётгани, аҳолининг тинч ва осойишта меҳнат, бунёдкорлик билан бандлигидир.

Фуқаролар йиғини ҳудуди Тўртайғир, Тарнов, Ўрта Карки, Юқори Карки, Пичоқчи, Янги Пичоқчи қишлоқларини қамраб олган. Маҳалла деҳқонлари кейинги йилларда экинлардан бир йилда икки, уч марта ҳосил олишни ўзлаштиришди. Улар иккинчи экин сифатида ловия етиштириб, маҳсулотни тижоратчилар орқали хорижга сотишяпти. Бу эса аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этяпти.

Яқинда маҳаллада янги бозор қурилиб, ишга туширилди. Замонавий талабларга жавоб берадиган бозор деҳқонларнинг мушкулини осон қилди. Очиқ ҳавода, ёғин-сочинда тартибсиз амалга ошириб келинаётган савдо-сотиққа барҳам берилди. Энг муҳими, ўнлаб одамлар ишли бўлди. Эндиликда ёнғоқ ва майиз савдоси билан шуғулланувчи қўшни туманлардаги бозорчилар ҳам шу ерга келишмоқда.

— Маҳалламизда 5500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ишга яроқли қисми бандлигини таъминлаш доимо эътиборимизда, — дейди йиғин раиси Олмос Ҳошимов. — Гузарларимизда 28 та савдо, битта гўшт дўкони, 2 та ошхона, тўйхона ва бозор бор. Булардан ташқари, сартарошлик, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, дурадгорлик ва пойабзал таъмирлаш устахоналари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш пункти ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, ҳудудимизда мармар тошларга ишлов бериш, замонавий эшик, ромлар ясаш, темирчилик цехлариям мавжуд. Ана шундай имкониятлар яратилган жойда ишсизлик ҳақида гапиришнинг ўзи уят. Бошқача айтсам, бекорчилик бизга бегона.

Нуроний онахонлар Саида момо Азаматова, Раби ая Бурҳонова билан суҳбатлашарканмиз, улар маҳалла аёлларининг, айниқса, ёш қиз-жувонларнинг фаоллигидан қувониб гапиришади. Ўзларининг ёшликларини эслашиб, «Хўп яхши замонлар келди, бу кунларни қадрлаш керак», дейишди. Аёллар фаоллиги ортиб боришида маҳалла маслаҳатчиси Маҳлиё Ҳайитова, котиба Мавжуда Шералиеванинг шахсий ибратлари асқатаётганини миннатдор бўлиб тилга олишди.

Биз маҳалладаги иш тизими билан танишганимизда, оқсоқол ҳам, маслаҳатчи ҳам, котибаю посбон ҳам зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб ишлашса, барча юмушлар ўз маромида битишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. «Ораста хонадон бекаси», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Ибратли қайнана» кўрик-танловларида Наргиза Камолова, Абдукарим Жўраев, Анора Тошмаматова оилалари ғолиб бўлишди. Ғолиблик сирларини сўраганимизда улар, аввало, етакчи ташкилотчилардан ибрат олишганларини айтишди. Ташкилотчилар, яъни маҳалла маслаҳатчиси ҳам, котибаси ҳам ибратли оилалар соҳибалари экан. Маслаҳатчи Маҳлиё Ҳайитова икки йилдан буён «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Соғлом она — соғлом бола» кўрик-танловларида туманда биринчи ўринларни эгаллаб, вилоят босқичида фаол қатнашиб келяпти.

Хуллас, Оқдарёдаги бу маҳалладa ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Шу туфайли қишлоқлар обод, одамлар яратувчанлик, бунёдкорлик билан банд.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалла гузари

МЎЪЖАЗ БИР САРОЙ ГЎЁ

Қишлоқда дув-дув гап тарқалди: «Абдусодиқ ака ҳаж зиёратини кечиктирибди». Неча йиллик орзуси энди ушалай деганда Абдусодиқ аканинг бундай қарорга келиши кўпчиликни тааж-жублантирди. Орадан кўп ўтмай янги гап чиқди. «Абдусодиқ ака маҳалла учун гузар қуриб бераётган эмиш».

Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, дейишади. Чироқчи туманининг Оқтўнли қишлоғида маҳалла гузари қад ростлай бошлади. Кутилмаган бу саховатдан маҳалла фаолларининг боши осмонга етди. Улар ҳам енг шимариб, ишга киришиб кетишди. Шу вақтга қадар қишлоқ фуқаролар йиғини эски, мослаштирилган, таъмирталаб бинода фаолият кўрсатиб келарди.

Абдусодиқ Абдухолиқов қишлоқдаги илғор фермерлардан. Ҳар йили давлатга пахта, ғалла сотиш шартнома режаларини ортиғи билан бажаради. Лекин ҳеч қачон ўзим бўлай, демайди. Маҳаллада кам таъминланган оилалар борми ёки боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар дейсизми, ёрдамини аямайди. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Фермернинг ташаббуси билан бир неча кўчага шағал ётқизилиб, асфальтланди.

— Ҳаж зиёратидан олдин савоб ишларни ният қилганим рост, — дейди Абдусодиқ Абдухолиқов. — Элнинг ҳожатини чиқармоқ, юртга наф келтирмоқ ҳам улуғ савоб, дейишади-ку.

Шундай қилиб кўркам, кўз кўрса қувонадиган маҳалла гузари қуриб битказилди. Оқтўнлиликларнинг таъбири билан айтганда, «мўъжаз бир сарой» қад ростлади. Нақшинкор устунли, шарқона усул билан замонавий бинокорлик ютуқлари уйғунлашган бу иморат ўзининг ҳашамдорлиги билан эътиборни жалб этади. Бинонинг атрофи тош девор билан ўралди. Қулайлик бўлсин, деб гузар ҳовлисида артезиан қудуғи қазилиб ишга туширилди. Гузар атрофи ободонлаштирилиб, турли манзарали дарахтлар ўтқазилди.

10 хонали янги маҳалла гузарининг 5 та хонасига қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган бўлса, қолган хоналарида тикувчилик цехи, гўзаллик салони, телефон тузатиш устахонаси фаолият кўрсата бошлади. Бундан ташқари пайнет хизмати ҳам йўлга қўйилди. Шу баҳонада ўнлаб одам иш билан таъминланди.

— Абдусодиқ ака хайрли ишга қўл урди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Искандаров. — Янги маҳалла гузари ишларимизни янада яхшироқ ташкил этиш учун катта қулайликлар туғдирди. Энди турли йиғинлар, тарбирлар ўтказиш имкониятига эгамиз. Маънавият ва маърифат хонасини китоблар, газеталар тахламлари, зарур анжомлар билан жиҳозладик. Янги хизмат турларининг йўлга қўйилгани қишлоқ аҳли учун яна бир қулайлик бўлди. Маҳалла гузарига «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси компьютер жамланмаси ҳадя этди. Шунингдек, жамғарма гузаримизни янги мебель жиҳозлари билан таъминлашни ҳам кўзда тутган.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Абдусодиқ Абдухолиқов. — Гузарга янги замонавий жиҳозлар олиб бериш ниятим бор.

Бугун янги маҳалла гузарининг ёнида бунёдкорлик ишлари давом этяпти. Автомашиналарга хизмат кўрсатувчи пункт учун пойдевор қўйилган бўлса, дорихона ва тўйхона учун лойиҳа ишлари амалга ошириляпти.

— Гузарга кунда бир чиқиб келаман, — дейди маҳалла фаолларидан бири Назар бобо Хушвақтов. — Отасига раҳмат Абдусодиқнинг. Жуда савоб ишлар қиляпти. Қариялар учун бир чойхона қуриб бераман, деяпти. Бирига минг берсин. Тўй тараддудида юрганлар янги, замонавий тўйхона қурилаётганидан хурсанд.

Теракзорлар билан қопланган бу қишлоқ ҳудудида яқин-яқингача бирорта ҳам дарахт кўкармаган эди. Фермер ва тадбиркорларнинг ёрдамида артезиан қудуқлар қазилиб, Абдусодиқ аканинг ташаббуси билан бутун қишлоқ аҳлига терак қаламчалари тарқатилди. Шу-шу ҳар бир хонадонда терак экилаётир. Бугун қишлоқ ямяшил теракзорлар билан бурканган. Бунёд этилган иморатлар эса қишлоқ қиёфасига кўрк бағишлаб турибди.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган "Умид" маҳалласи шаҳримиздаги обод гўшалардан биридир. 762 та хонадонда 3000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу маҳаллада битта мактаб, битта мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Шу билан бирга 10 га яқин кичик корхоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: *маҳалла оқсоқоли Тоҳир Комилов фаоллар билан*

© фото-Носир Ҳайдаров

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

МУАММОЛАР ТЕЗДА БАРҲАМ ТОПАДИ

Кўпқаватли уйда турадиган бир неча фуқаро Уй-жой мулкдорлари ширкатига (УМШ) шикоят билан чиқишди. Сабабики, уйнинг ертўласида сув тошаётган эди. Ширкат мутасаддилари дарҳол ўша жойни назоратдан ўтказишди. Натижа ажабланарли: қувурларнинг ҳеч қайсиси ёрилмаган. Хўш, унда ертўладаги сув қаёқдан пайдо бўлди? Аниқланишича, мазкур ертўлага ер ости суви сизиб чиқаётган экан. Ҳамидулла Зайниддинов дарҳол масалага ечим топди: тўпланган сув ер ости қувури орқали чиқариб юборилди.

Ҳамидулла ака — «Аъло коммунал» Уй-жой мулкдорлари ширкати раиси. Хизмат хонасида ястаниб ўтиришни кўпда хўш кўрмайди. Қачон қараманг, гоҳ у "дом"да, гоҳ бунисида катта-кичик юмушлар билан юрган бўлади. Қимирласанг қир ошасан, деган гап бор. Бу нақлнинг амалдаги исботини қаҳрамонимиз фаолиятидан ҳам кўриш мумкин. Ҳамидулла аканинг астасекин "қир ошгани" шуки, ёнидаги ширкат — «Аъло марварид коммунал сервис» УМШ ижрочи директорлигини ҳам унга ишониб топширдилар. Шунинг ўзиёқ унга бўлган ишонч, қилаётган ишларининг ҳақли эътирофи эмасми?

— Ҳудудимиздаги 10 та кўпқаватли уйдаги шинамлик ва файзда УМШларининг катта ҳиссаси бор, албатта, — дейди Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёвуддин Аброров. — «Аъло коммунал»даги муваффақиятли фаолияти боис Ҳамидулла Зайниддиновга бироз мураккаб ҳолатдаги «Аъло марварид коммунал сервис»даги ишларни ҳам йўлга қўйиш ишониб топширилганди. Натижа эса кутилганидек бўлди. Эндиликда кузги-қишки тайёргарликлар борасида камчилик йўқ.

Бундан беш йил илгари УМШга раҳбарлик қилишни зиммасига олган Ҳамидулла ака олдинига аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни ундиришда қийналди. Бироқ астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини бермай қолмас экан. Эндиликда одамларнинг ўзлари келиб тўловларни олдиндан тўлаб кетишяпти.

— Бизнинг иш юритишимизга қараб аҳолининг муносабати ўзгарди, — дейди Ҳамидулла ака. — Ҳатто катта ёшдаги отахону онахонлар ҳам нафақамни олдим, тўловдан қутулиб қўяй, деб келишади. Ширкат билан аҳоли ўртасидаги бундай ўзаро ишончли ҳамкорлик эса турар-жойларимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилади.

Ҳудуддаги 4 та 9 қаватли ва 6 та 4 қаватли уйларнинг барчасидаги 17 та иссиқлик қувури август ойида ювиб чиқилди. Йўлакларидаги синган ойналар янгиларига алмаштирилди. Бунга 500 минг сўм маблағ сарфланди. Уйлардаги 51 та йўлакнинг 34 таси тўла таъмирдан чиқарилди.

— Иссиқлик бериш жараёнида хонадонлардаги қувурлар жўмраклари очиқ қолиб сув тошиш ҳолатлари юз берганми? Бу борада УМШ қанчалик жавобгар? — сўраймиз Ҳамидулла акадан.

— Бизда бундай ҳолатлар содир бўлмаган, — дейди Ҳамидулла ака. — Иссиқлик бериш бир кунлик иш эмас, бунга анча тайёргарлик кўрилади. Уй бошлиғи ва йўлакбошилар олдиндан огоҳлантирилади. Улар, ўз навбатида ёзма ёки оғзаки равишда аҳолини бохабар қилишлари лозим. Акс ҳолда юз бериши мумкин бўлган сув тошиши оқибатида келиб чиқадиган моддий зарарни қоплаш борасида УМШ ҳам жавобгар бўлади.

Ҳудуддаги кўпқаватли уйларнинг пастки қаватида нотурар-жойлар жойлашган. Ширкат улар билан тўлов борасида ўзаро келишмовчиликни қонун асосида ҳал қилди. Эндиликда бу борада ҳам муаммолар ечим топяпти.

Шу йилнинг ўзида бешта лифт двигатели янгиланди. Мавжуд 18 та лифтнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

«Сен дунёга кулиб боқсанг, дунё ҳам сенга кулиб қарайди», деган фикрнинг тўғрилигига мазкур ширкатлар мутасаддилари фаолияти билан танишиб чиқиб яна бир бор амин бўлдик. Демак, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, улардан ўзимиз кутган муносабатни кўриш ўз вазифамизга астойдил ёндашишимизга боғлиқ экан. Ана шунда турмушимиз фаровон ва хонадонларимиз янада гўзал қиёфа касб этади.

Ф.ЭГАМОВА.

Ижодий сафар

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

«Mahalla» газетаси таҳририятининг ижодий жамоаси жамғарма республика бошқаруви иш режасига асосан Андижон вилоятида бўлиб, муштарийлар билан учрашувлар ўтказди. Жалақудуқ туманидаги Тешиктош, Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Андижон ва Асака шаҳарларидаги мулоқотлар ниҳоятда қизиқарли ва самарали бўлди.

Учрашувларда таҳририят ходимлари жамоа томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган ижодий ишлар, газета саҳифаларида чоп этилаётган мақолаларнинг мазмун-моҳияти ва келгуси режалари ҳақида гапириб беришди.

Газета ходимлари шу пайтга қадар республикамизнинг бир неча вилоятида шундай ижодий мулоқотлар ўтказди. Ўша учрашувлар ва суҳбатлар чоғида ўқувчилар газетани янада ўқишли қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, хоҳиш-истакларини билдиришган эди. Ўттан қисқа даврда «Mahalla»да шу мулоҳазалар ва истаклар асосида янги рукнлар пайдо бўлди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар газетада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси ва фаоллари тажрибаси изчил ёритилаётганини, бу эса маҳаллалар ходимлари фаолияти учун услубий қўлланма вазифасини ўтаётганини таъкидлашди. Шунингдек, газетада таҳлилий-танқидий мақолаларга кенг ўрин берилаётгани ҳам ўқувчилар томонидан эътироф этилди.

— Газетанинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман, — деди Жалақудуқ туманидаги «Қўрпқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Олимжон Зокиров. — Ҳатто, илғор йиғин раислари ва фаоллари тажрибаси ҳақидаги мақолаларни синчиклаб ўрганиб чиқаман. Чунки бу тажрибаларни фаолиятим давомида қўллашга ҳаракат қиламан.

Асакадаги учрашувда газетхонлар «Mahalla» саҳифаларида она ва бола саломатлиги, спорт, айниқса, болалар спорти, шунингдек, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги, ҳуқуқ, ёшлар тарбиясига оид чиқишлардан қониқиш ҳосил қилишаётганини, ушбу мавзуларга янада кенгроқ эътибор қаратиш зарурлигини айтишди.

— Мен газетанинг «Оила даврасида» саҳифасини доимо қизиқиш билан ўқийман, — деди андижонлик газетхон Нозима Аҳадова. — Саҳифанинг «Турмуш чорраҳаларида», «Оила тилсими», «Мулоҳаза» рукнларида бериб борилаётган мақолаларда оила, эру хотин, қайнана-келин муносабатлари, турмушда учрайдиган баъзи муаммолар ҳақида қизиқарли мулоҳазалар билдирилади. Тўғрисини айтсам, «Mahalla» нафақат менинг, бутун оиламизнинг севимли газетасига айланиб қолди.

Учрашувларда газетхонлар ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларга яна ҳам кўпроқ эътибор бериш ҳақидаги таклифларни ўртага ташлашди. Муштарийларнинг бундай қимматли фикр-мулоҳазалари таҳририят ходимлари томонидан диққат билан тингланди. Зеро, ўқувчилар билдирган фикр-мулоҳазалар, истаклар газетхон ва газета ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, келгусида нашр саҳифаларида янги рукнлар, қизиқарли мақолалар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЎЗ УЙИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Халқимиз дуога қўл очар экан: «Ўт балосидан, сув балосидан, ноҳақ туҳматдан асрасин», дея ният қилади. Ўт балоси моддий зарар етказса-ку, бир амаллаб ўрни қопланиб кетади, бироқ инсон соғлиғи ва ҳаётига дахл қиладиган офат қаршисида ҳар қандай одам чорасиз қолиши муқаррар.

Инсон ўзи ва яқинларининг ҳаёти ҳамда моддий мулкига етадиган зарарнинг олдини олиши мумкин. Бунинг учун эса турар-жойларда аҳоли томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Акс ҳолда эса...

Нодира(исми ўзгартирилган)нинг ширинтой қизчаси нафақат оиланинг, балки қўни-қўшниларнинг ҳам овунчоғи, эркатойи эди. Боғчада эса ўзининг зукко ва бийронлиги билан тарбиячиларнинг меҳрини қозониб келарди. «Кўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек, уйни иситиш учун қўлбола ускунадан фойдаланиб келадиган Нодира бир куни қизининг қўйирчоқ билан андармон бўлиб ўтирган пайтида овқатга уннаш учун ошхонага кирди. Кўп ўтмай носоз қўлбола ускунанинг пақиллаган овозини эшитгач, юраги ҳаприқиб югурганича уйга югурди. Бироқ афсуски, печка портлаганида ичидан отилган суюқлик қизчанинг юзини куйдириб юборган эди...

Бундай мисолларни келтиришдан мақсад, масъулиятсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги оқибати нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида аҳолининг тўла хабардорлигини таъминлаш ва келгусида бундай фожиаларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратишдир.

Жорий йилнинг шу давригача Тошкент шаҳрида 1428 та ёнғин содир бўлиб, оқибатда 33 нафар киши тан жароҳати олган, 26 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 65 254 326 сўмлик моддий зарар етган.

Хушёрроқ ва эътиборлироқ бўлганимизда бундай фожиаларнинг сони камайган бўлармиди... Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик ҳеч қачон ҳеч кимга зарар қилмайди.

Муборак КАМИЛОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси 12-ҲЁХО инспектори, майор.

Комиссиялар фаолиятидан

АТРОФ-МУҲИТ ОЗОДАЛИГИ

инсон саломатлигининг муҳим омили

Мана ўлкамизда қиш фаслининг илк кунлари ҳам бошланди. Шу дамларда маҳалла мутасаддилари ва фаоллари йўлаклар тозалигига, хонадонлар саранжом-саришталигига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Равот" маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ҳудудда ободонлаштириш ва қишга тайёргарлик ишларини самарали йўлга қўйишган. Маҳалла фаоллари томонидан табиат муҳофазаси барқарорлигини таъминлаш, атроф-муҳитни ораста сақлаш йўлида салмоқли ишлар амалга ошириб келинаётир. Албатта, бундай хайрли ишларни адо этишда йиғин мутасаддиларига кўча бошлиқларининг ёрдами катта бўляпти.

— Фасллар ичида баҳор ва куз энг тароватли фаслдир, — дейди маҳалла оқсоқоли Собир Жумабоев.— Табиийки, айни шу фаслларда ободонлаштириш, бунёдкорлик ва кўкламзорлаштириш ишлари авжига чиқади. Йиғинимиз ҳудудида ҳар йили фасллар алмашинувига қараб, ҳашар ўтказиш анъанага айланган. Маҳалламизда ҳашар орқали ариқлар, қабристонлар, зиёраттоҳлар тозаланиб, кўча бўйларига манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилади. Бу ишларда фуқаролар йиғинимиз ҳузурида фаолият олиб бораётган Ободонлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш комиссияси ишини алоҳида эътироф этгим келади. Мазкур комиссия аъзолари ҳудудни обод қилиш билан бирга, табиатни асраб-авайлаш борасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётир. Зеро, табиатни муҳофаза қилиш учун аҳоли, аввало, ёшлар онг-шуурида она-табиатга меҳр туйғусини шакллантиришимиз лозим.

— Озода, тоза ҳаво инсон соғлиғи учун жуда муҳим. Шу боис маҳалламиз ҳудудида чиқиндиларни махсус қутиларга ташлаш лозимлигини мудом уқтирамиз, — дейди маҳалла фаолларидан Раҳмон Саидов. — Баъзилар тўкилган баргларни ёқиб юборишаётганига ҳам гувоҳ бўлганман. Шу боис маҳалла оқсоқоли, кўча бошлиқлари ва махсус комиссия аъзолари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида хазонни ёқиш инсон саломатлигига салбий таъсир ўтказиши, қолаверса, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борямиз. Насиҳатларимиз зое кетаётгани йўқ, албатта. Кўриб турганингиздек, маҳалламиз ҳудуди тоза, кўчалар супириб-сидирилган. Бу эса гўшамизга ташриф буюрган кишида яхши таассуротлар қолдириши тайин.

Яқинда маҳаллада замонавий типдаги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Тиббиёт ходимлари ҳам ҳудудда озодалик барқарорлигини таъминлашда маҳалла фаолларига кўмак бераётгани бу борадаги ишларни янада жонлантирмоқда. Бундан ташқари ҳомийларни жалб этган ҳолда йиғин кенгаши ташаббуси билан 4 километр узунликдаги асосий йўлга асфальт ётқизилди. Фаоллар келгусида Ойдин ва Ёшлар кўчасини таъмирлашни, қолаверса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида янги спорт ва маҳалла гузарини бунёд этишни режалаштиришган.

Эътиборлиси, айни кунларда маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қария ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, тартибга келтириш каби юмушлар амалга оширилаётир.

Маҳалла оқсоқолининг айтишича, ҳозирда бир нечта кам таъминланган оилаларнинг турар-жойи тартибга келтирилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Маслаҳатчи минбари

"МАСЛАҲАТЧИ МАКТАБИ" ҚЎЛ КЕЛАЁТИР

Мен бу оила ҳақида илгари ҳам эшитардим. Ёш келин хийла тилли-жағли бўлиб, қайната-қайнанасининг хизматини қилса ҳам, кўпинча дашном эшитиб юрарди. Биринчи фарзанди туғилибоқ қазо қилгач, вазият янада чигаллашди. Қайнананинг ортиқча хатти-ҳаракатлари ва гапсўзларидан асаблари чарчаган келин ота-онасиникига кетиб қолди.

Қайнана дарҳол: «Боламни онаси ўпмаган қизга уйлантираман», деб гап чиқарди. Бу орада ўғил ишлаш учун хорижга жўнаб кетди. Мен бу ёш оила тақдирига ачиниб, фаоллар билан маслаҳатлашишни хаёлимдан ўтказиб турсам, келиннинг ўзи келиб қолди.

— Турмуш ўртоғим билан телефонда гаплашиб турибман, ундан кўнглим тўқ, — деди у. — Яна беш ойдан кейин, худо хоҳласа, фарзандли бўламиз. Бундан хўжайиним хабардор. Шунинг учун менга ҳам ёрдам бериб турибди. Шу хурсандчилигимни сизга айтай, деб келдим, опа. Турмуш ўртоғим яхши инсон, бир-биримизни яхши кўрамиз. Қайнатамни, айниқса, қайнанамни озгина "юмшатиб" берсаларингиз, турмушимиз тикланиб кетармиди?..

— Айбингизни биласизми? — дея келиндан жиддий сўрадим. — Ҳозир кўзингизда ёш билан илтимос қиляпсиз. Биз ўртага тушгандан сўнг бошқа нағмалар чиқармасликка ваъда берасизми?!

— Мен айбимни тушуниб етдим, — деди келин кўзёшларини артаркан.

— Майли, сиз бораверинг, аввал биз қайната-қайнанангиз билан гаплашайлик, кейин сизни чақираман.

Келин кетгандан сўнг ўйланиб қолдим. Ҳарқалай шу оила ярашиб кетса яхши бўларди. Орадан икки кун ўтгач, келиннинг қайнанаси билан учрашиб гаплашдим. Аммо қайнана ҳамон ҳовуридан тушмаган экан, ўғлига "онаси ўпмаган қиз" олиб бериш ниятидан қайтмади.

Ўша кунларнинг бирида келин ўғилли бўлди. Энди шошилмасак бўлмасди, бу ҳақда йиғин раиси Муҳмуджон Жабборовга айтдим. У маҳалламизнинг обрў-эътиборли отахонларидан бири Ёқубжон ака Ҳайратқулов билан бирга бориб, қайната-қайнанани невара билан табриклаб келадиган бўлишди.

Бир неча кундан кейин эса қайната билан қайнана туғруқхонага бориб невараси ва келинини уйига олиб келди. Ўғлига телефон қилиб, фарзандлик бўлганини айтишди, тезроқ етиб келиши лозимлигини тайинлашди. Шуни кутиб турган ўғил ҳам бир ҳафтада етиб келди. Келин қайната-қайнанасидан кечирим сўради, оила тикланди. Ҳозир бобо билан буви набирасини қўлидан қўйишмайди.

Албатта, ҳаёт фақат қувончлардан иборат эмас. Баъзи оилаларда келишмовчиликлар, жанжаллар бўлиб туради. Биз-нинг вазифамиз уларни муросага келтириш, яраштириш. Шундай пайтларда мен маҳалламиз оқсоқоли Муҳмуджон Жабборовга, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Нишоной Холмирзаева, отин-ойи Маърифатхон Убайдуллаева ва бошқа фаолларимизга суяниб иш олиб бораман. Зеро, одамлар қалбига йўл топа олсаккина, турмушдаги муаммоларни тез ҳал қила оламиз.

Бунинг учун эса, биз маслаҳатчилар етарли билим ва тажрибага эга бўлишимиз даркор. "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, жамғарманинг вилоят бўлими томонидан етказиб берилаётган турли адабиётлар, услубий қўлланмалар, материаллардан самарали фойдаланишимиз керак. Бу борада вилоятимизда ташкил этилган "Маслаҳатчи мактаби" ва унинг шаҳар ва туманлардаги филиаллари машғулотлари бизга катта ёрдам беряпти.

Хуллас, маслаҳатчи бир зум ҳам тўхталиб қолмаслиги, доимо изланишда бўлиши бугунги кунда жуда муҳим. Мен ҳуқуқ-тартибот органлари, ФҲДЁ бўлими, нотариал идоралар билан ҳамкорликда ишлаб, ўзимнинг ҳуқуқий билимларимни ошириб боряпман. Бу эса фаолиятимнинг янада самарали кечишига ёрдам беряпти.

Замирахон ШАМСУТДИНОВА,
Андижон вилояти Бўз туманидаги Ховос маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Ташаббуснинг қаноти бор

ХОРИЖЛИКЛАРНИ МАФТУН ЭТГАН ГЎЗАЛЛИК

Самарқанд — Шаҳрисабз катта йўли ёқасида жойлашган Чироқчи туманига қарашли Арбанди қишлоғини Қашқадарё вилоятида ҳам кўпчилик билмаслиги мумкин. Аммо чет эллик сайёҳларнинг бу томонларга йўли тушса, албатта, шу қишлоққа кириб ўтадилар. Муболаға эмасу, сайёҳлар ичида атай бу ерга келиб-кетувчилар ҳам бор.

Қишлоқ катта йўлдан анча узоқда, баланд қирлиқда жойлашган. Қирдаги ҳаёт, айниқса, баҳор кезлари қишлоқнинг қип-қизил лолақизғалдоқларга бурканиши чет элликлар эътиборини тортса керак, деб ўйлаётгандирсиз? Тўғри, дастлаб ана шу гўзал манзара боис улар бу ерга қадам ранжида қилишди. Аммо сайёҳларни ҳайратлантирган нарса бу эмас.

— Тўғрисини айтсам, бизнинг оддийгина ғажари гиламимиз чет элликларни шунчалик қизиқтириб қўйиши хаёлимизга ҳам келмаган эди, — дейди Чироқчининг чўл ҳудудларига кириб келишдаги қирнинг энг юқори қисмида жойлашган уйнинг эгаси Шариф бува Худойқулов. — Бошида улар гиламларимизни ҳайратланиб томоша қилишди, кейин қандай тайёрланишини сўраб-суриштиришди. Сўнг эса эсдаликка олиб кемоқчи бўлиб, нархини сўрашди. Шундан буён арбандликларнинг ғажари, терма, араби, еттинли, деб номланган гиламларига чет элликлар харидор бўлиб келишади.

— Асли бундай гиламларни бир вақтлар момоларимиз тўқишган. Шариф буванинг келини Салтанат Қўлдошева хайрли ишга қўл уриб, қадимги гиламларимизни тўқиш ҳунарини қайта тиклади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулмурод Тоғаев. — Гилам тўқиш учун махсус дасттоҳлар ясаттирди. Қадимий усул билан замонавий усулни уйғунлаштириб, янги бир кўринишдаги гиламлар яратдики, бу қарию ёшнинг дидига жуда мос келди. Ҳозир қайси бир хонадонга кирманг ўзимизнинг гиламларимиз кўзларни яшнатиб турибди. Беихтиёр унинг ижодкорларига қойил қоласиз. Табиий жундан тайёрланган бу гиламлар сифати, пишиқлиги билан машҳур Хива гиламларидан қолишмайди. Айниқса, ҳеч қандай бўёқ ишлатилмасдан табиий ранглардан фойдаланилгани гиламнинг сифатини янаям оширди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, оқ, қора, кулранг, малла рангли қўйлар бўлади. Бу каби ранглардаги юнглардан турли нақшлар, гуллар солиб гилам тўқилса жуда чиройли чиқади. Бунинг учун фақат ижодкорлик, дид ва ўзига хос нафосат талаб этилади. Салтанат Қўлдошева бошлаган ташаббус бутун қишлоққа ёйилди, десак муболаға бўлмайди. Салтанат опа дастлаб ишни ўғиллари, қизлари билан бирга бошлаган бўлса, аста-секин қўшнилар ҳам қизиқиб қолишди. Ҳатто кекса момоларга ҳам иш топилди. Жунни титиб бериш уларнинг зиммасида. Айни пайтда қишлоқнинг гиламдўз хотин-қизлари томонидан ёйма ва ер гиламларининг қирққа яқин тури тайёрланмоқда.

— Гиламларимизга, асосан, чет элликлар харидор. Маҳсулотларимизни уларнинг буюртмалари асосида тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Ишонсангиз, гиламларимиз интернет сайтларидан ҳам ўрин олган, — дейди фахр билан гиламчи қизлар.

Чекка бир қишлоқдаги аёлларнинг хорижликларни мафтун эттан маҳоратларига ҳавас қиласиз. Чиндан-да бу оддий ҳунар эмас, балки чинакам ижод маҳсули, бетакрор санъат асари. Зеро, тўрт-беш хилдаги табиий рангларни уйғунлаштириб, бетакрор нақшлар, нафис гуллар тасвирини яратиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун истеъдод ва катта уқув зарур бўлади.

— Салтанатхон шу ишни бошлагандан буён қанча рўзғорга файз-барака кирди, — дейди арбандилик 70 ёшли Чинни момо. — Бу гиламларнинг сифати бузилмайди, ранги ўчмайди. Юз йилгача ҳам асл ҳолича турaверади.

Яна бир яхши жиҳати, бу гиламлар жуда камхарж. Чунки қишлоқ аҳолиси асосан чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланишади. Кўриниб турибдики, юнг хомашёси шу ҳудудда етиштирилади. Бўяш учун ранг сотиб олишга ҳам ҳожат йўқ.

— Айни пайтда маҳалламизда ҳар куни тўй. Бу, албатта, фаровонлигимиз белгиси, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Ҳар бир оиланинг томорқаси ҳам бор. Полиз маҳсулотларидан ташқари кунжут, зиғир етиштиришади. Айрим хўжаликлар лалми ерларда эртаги қовун-тарвуз экиб, бозорларимизни таъминлайди. Қорамол боқиб ҳам анчагина даромад қилишади. Демоқчиманки, элимиз тўқ.

Қир-адирларда янгидан қурилган замонавий, ҳашаматли уй-жойлар ҳам оқсоқолнинг фикрларини тасдиқлайди. "Қишлоғимизга чет элдан меҳмонлар кўп келади. Уялиб қолмайлик, деб янги иморатлар тиклаяпмиз", дейишади қишлоқликлар.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
"Mahalla" мухбири.

Мактаб тўгаракларида

ИСТЕЪДОДНИНГ УЧҚУНИ БОЛАЛИКДАН НАМОЁН

Яккасарой тумани Ҳамид Сулаймон номидаги маҳалла ҳудудида жойлашган 118-умумтаълим мактабида 756 нафар ўқувчи таҳсил олаётир. Ўқувчилар билим олишдан ташқари турли хил тўгаракларга ҳам жалб қилингани келажакда уларнинг бирор касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишларида яхши тайёргарлик босқичини ўтаётир. Зотан, тўгараклар орқали болаликдаги қизиқишлар мустаҳкамланиб, истеъдодлар юзага чиқади.

— Айни пайтда мактабимизда тўртта йўналишда: фан, спорт, ўлкашунослик ҳамда эстетика тўгаракла ри фаолият юритмоқда, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муҳаррам Толипова. – Ҳар бир йўналиш, ўз навбатида, бир неча турларга ажратилган. Масалан, эстетика тўгарагида ўқувчилар рассомлик, каштачилик, зардўзлик, вокал ҳамда тўқувчилик каби ҳунар сирларидан хабардор бўлишса, фан тўгаракларида сухандонлик, адабиёт, кимё, физика, математика, ҳуснихат, ифодали ўқиш сингари ўнлаб йўналишларда ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу тўгаракларни очишимизда ўқувчиларнинг ўзлари ташаббускор бўлишган.

Дарҳақиқат, ушбу илм даргоҳига ташриф буюрган киши ёш кимёгарларнинг, моҳир спортчиларнинг, маҳорат билан зар ёстиқ тикаётган қизалоқларнинг, Ватан ҳақида қўшиқ айтаётган йигит-қизларнинг завқидан ҳайратланмай қолмайди.

Жорий йилда тўгарак қатнашчилари "Янги авлод - 2010", "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танловларининг рассомлик ҳамда вокал йўналишларида фахрли ўринларни қўлга киритишган бўлишса, "Сен ёлғиз эмассан" форумининг иншолар бўйича ўтказилган танловида биринчиликни эгаллашди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди ўқувчилари билан фахрланиб мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — 1-4-синфлар ўртасида "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" рукни остида расм чизиш бўйича танлов эълон қилганмиз. Танлов Қомусимиз қабул қилингани нишонланадиган кунда ниҳоясига етади. Бу танлов нафақат ўқувчиларнинг иқтидорини намоён этади, балки уларнинг Конституциямиз ҳақида чуқур билими, ҳуқуқий саводхонлигининг ошишига туртки беради. Ана шундай кўрик-танловлар самараси ўлароқ, йилдан йилга тўгаракка аъзо бўлувчилар сони ортмоқда.

550 нафар ўқувчини ўзига жалб қилган мазкур тўгаракларда фортепиано бўйича Меҳрихон Азизова, Моҳира Абдуллаева, вокал йўналишида Жавоҳир Халилов, дутор торларини маҳорат билан чертаётган Юлдуз Ботирова каби истеъдод соҳибу соҳибалари кашф этилмоқда. Бундан, айниқса, ота-оналар жуда мамнун.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА,
"Mahalla" мухбири.

Ҳамкорлик

ШИФОКОРЛАР ҲИСОБОТИ ДОИМИЙ ЭТИБОРДА

Юртимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорларининг самарали ижроси туфайли бугун чекка ҳудудлардаги шифо масканларида, қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли саломатлиги учун барча қулайликлар яратилмоқда.

Қишлоқ врачлик пункти билан фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорлик аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлмоқда. Ана шу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг 24 февралидаги «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фуқаролар йиғинлари ва жамғарма туман (шаҳар) бўлинмалари йиғилишларида қишлоқ врачлик пунктлари ва тез тиббий ёрдам хизмати бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш бўйича тасдиқланган йўриқномага асосан, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими бошқарувида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу асосда шаҳар ва туман тиббиёт бошқармаси вакиллари, жамғарманиг туман ва шаҳар бўлинмалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида қишлоқ врачлик пунктлари ва тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Ҳисоботлар жараёнида Амударё тумани «Чойкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Маданият» қишлоқ врачлик пунктида бажарилаётган ишлар эътирофга лойиқ, деб топилди. Ушбу шифо маскани 5091 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 1418 нафари туғиш ёшидаги аёллар, 132 нафари ўсмир қизлардир. Йилнинг ўтган даври мобайнида фертиль ёшидаги аёллар юз фоиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Текширув жараёнида экстрагенитал касаллиги бор беморлар амбулатор ҳамда стационар шароитда даволанди. Сўнгги йилларда овул ҳудудида оналар ва болалар ўлими юз бермагани қувонарли ҳол, албатта. Ана шундай ютуқлари туфайли ўтган йили мазкур врачлик пункти Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 2-даражали дипломи билан тақдирланди.

Шифо маскани теварак-атрофининг тоза-озодалиги бу ерда даволанишга ва тиббий кўрикдан ўтишга келган кишиларнинг баҳридилини очади, хоналарнинг саристалигидан, шифокору ҳамшираларнинг ширинсўзлигидан кайфияти кўтарилади.

— Бу масканда нафақат «Чойкўл» балки «Тўлқин» маҳалласи аҳолисига ҳам намунали хизмат кўрсатилмоқда. Аҳоли шифокорларнинг беминнат хизматидан мамнун. Маҳаллада истиқомат қилаётган кексаю ёш, оналар ва болалар соғлиғидан доимо хабардор бўлиш патронаж ҳамширалари зиммасида. Шу боис барча саъй-ҳаракатларимизни, аввало, патронаж ҳамширалари билан ҳамкорликни кучайтиришга қараттанмиз, — дейди «Чойкўл» овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Роза Арзибоева. — Бу эса, ўз навбатида, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аёллар ва ўсмир қизларнинг ўз саломатликларига янада эътиборли бўлишлари учун тушунтириш ишларини олиб бораётган ҳамшираларимиздан маъсулият ва тажрибани талаб қилади. Ҳамшираларимиз нафақат ширинсўзи, балки кишиларнинг руҳиятини, кайфиятини яхши тушуна олиши билан ҳам оилаларда соғлом турмуш тарзининг шакллашишига ўз ҳиссаларини қўшаётир.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари фаолларининг ҚВП билан ҳамкорликда ўтказаётган «Соғлом она — соғлом бола», «Тўйдан олдин тиббий кўрик», «ОИТС ва ОИВга қарши кураш», «Гиёҳвандлик — иллат» мавзуларида давра суҳбатлари, тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу тадбирларда иштирок этган аҳоли тиббий кўрикнинг инсон саломатлиги учун нечоғли муҳимлигини англаб етмоқда.

Узипа ҚАЛМУРАТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси бош мутахассиси.

Дунёдан дараклар

Талабалар намойиши

КЕЧА 50 минг нафарга яқин талаба Рим шаҳрининг марказий кўчаларида намойиш ўтказди. France-Presse мухбирининг хабарига қараганда, улар ҳукуматнинг олий ўқув юртларини молиялаштиришни қисқартиш тўғрисидаги қарорига шундай жавоб беришган. Кеча ушбу қарор мамлакат парламентининг қуйи палатаси томонидан тасдиқланди.

Худди шундай намойишлар Италиянинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. Милан, Пиза, Венецияда талабалар темир йўлларни эгаллаб, поездлар ҳаркатини тўхтатиб қўйди.

Эслатиб ўтамиз, ҳукумат 2013 йилга келиб олий ўқув юртларини молиялаштиришни 9 миллиард еврога қисқартиришни ва таълим тизимида меҳнат қилаётган 130 минг нафар ходимни ишдан бўшатишни режалаштирган.

Эпидемия хавфи

ГАИТИда вабодан вафот этган беморлар сони 1721 нафарга етди. Бу хабарни мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги баёнотига асосланиб, EFE тарқатди. Эпидемиядан Артибоните музофоти катта талофат кўрди. Бу ерда касаллик туфайли 760 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Хабарда айтилишича, мамлакатнинг 10 музофотидан тўққизтасида вабо қайд этилган.

Ҳозирга келиб, 76 минг нафарга яқин одамда касаллик аломатлари топилган. Уларнинг 33 минг нафардан кўпроғи касалхоналарга ётқизилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бу хавфли касалликка учраган беморлар сони 400 минг нафаргача кўпайиши мумкин. Чунки, мамлакатда тоза ичимлик сув ва дори-дармонлар етишмаяпти. Бундан ташқари, жорий йилнинг 12 январида рўй берган зилзила туфайли ҳозиргача 300 минг нафар аҳоли палатка ва кўчаларда антисанитария ҳолатида кун кечирмоқда.

Довул туфайли

«ЙЕННА» ва «Ханни» довуллари туфайли Германиянинг шарқий ва жанубий ҳудудларида кун совиб, қор бўронлари бошланди. Натижада автомобиль йўлларида транспорт ҳаракати издан чиқди.

Айрим ерларда қорнинг қалинлиги ярим метрга етди. Вазият, айниқса, Бавария ва Саксонияда мураккаб бўлиб турибди. Биргина душанба куни йўлларда 100 дан ортиқ автомобиллар ҳалокатга учради. Натижада бир киши ҳалок бўлди, икки киши тан жароҳати олди. Франкфуртда 450 та рейс кечиктирилди.

Синоптикларнинг айтишича, шундай об-ҳаво бутун ҳафта давомида сақланиб туради. Кўп қор ёғиши туфайли йўлларда 25-35 километрлик машиналар тиғизлиги пайдо бўлди.

Шундай совуқ ҳаво Буюк Британия, Испания, Польшада ҳам кузатилмоқда. Буюк Британияда сўнгги 17 йилдаги энг кўп қор ёғиши кузатилди. Польшада эса уч нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

Қарз олишга кўндирмоқчи



ЕВРОҲУДУДДА жойлашган мамлакатлар ҳукуматлари ва Европа Марказий банки Португалияни қарздор давлатларга кредит берадиган махсус фонддан кредит олишга кўндирмоқчи. Бу ҳақда Reuters хабар тарқатди. Олдинроқ бундай ёрдам Греция ва Ирландияга ҳам таклиф қилинган эди.

ЕИ вакилларининг таъкидлашича, мамлакатдаги бугунги ҳолат фақат Португалиянинг ўзигагина эмас, унга қўшни бўлган Испания иқтисодига ҳам жиддий хавф солиши мумкин. Чунки испаниялик инвесторлар Португалия иқтисодига катта миқдорда сармоя киритишган. Вазият шунчалик мураккаб-ки, инқироз бутун кўҳна қитъани қамраб олиши мумкин.

Яқинда Ирландия ушбу фонддан 85 миллиард евро кредит олишга рози бўлди. АҚШ ва Буюк британиялик экспертларнинг фикрича, ЕИ мамлакатлари қарзи билан боғлиқ ҳозирги инқироз евроҳудуднинг тарқалиб кетишига олиб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги

«ОТАЛАР МАЖЛИСИ» МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Наманган туманидаги 22-умумтаълим мактабида «Оталар мажлиси» ўтказилди. Бу тадбирнинг аввалги йиғинлардан фарқи шунда эдики, мажлисда ўқувчиларнинг оталари қатнашишди. Мактаб маъмурияти, ички ишлар бўлими профилактика инспектори, Тошбулоқ шаҳарча ҳамда «Маҳаллаҳовуз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган мажлисда кўп масалалар: давоматдан тортиб, болаларнинг ахлоқ-одобию, дарсларни ўзлаштириши муҳокама қилинди ва албатта, ҳомийлик мавзуси ҳам четда қолмади. Қарийб уч соатдан кўпроқ давом этган мажлисдан сўнг мактаб директори Мамлакатхон Аҳмедова билан учрашиб суҳбатлашдик.

— Бугунги йиғилишни анчадан бери кутаётгандик, — дея гап бошлади у. — Тўғрисини айтсам, кейинги вақтларда фарзанд тарбияси асосан, аёллар ихтиёрига ташлаб қўйилди. Аёллар-уйда, она, болалар боғчасида тарбиячи, мактабда муаллима. Бу, албатта, боланинг тарбиясига, одоб-ахлоқига, дунёқарашига таъсир этмай қолмайди. Мактабда ота-оналар йиғилиши, деб чақирсак, 90-95 фоиз оналар келишади. Бундай йиғинларни атайин дам олиш кунлари ҳам ташкил этиб кўрдик, ўзгариш бўлмади. Шу боис алоҳида «Оталар мажлиси»ни чақиришга тўғри келди. Ахир оталар ҳам зиммасидаги масъулиятни ҳис этишсин-да.

Директорнинг куюниб айтган бу гапларидан сўнг ундан мактабда оналар ва маҳалла билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўрадик. Эътиборлиси, ҳар бир синфда «Ота-оналар мулоқот дафтари» юритилар экан. Ўқув йили бошида очилган дафтарда ўқувчининг дарсларни ўзлаштиришидан тортиб, хулқ-атворигача синф раҳбари томонидан дафтарга қайд этилиб, ота-оналарга юбориларкан. Ўз навбатида, унга ота-онанинг жавоби қайд этиб борилади. Бундай тартибни кўриб, хурсанд бўлдик. Чунки аксарият дафтарларда ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига бефарқ эмасликлари яққол акс этиб турибди.

— Шу мактабда икки нафар фарзандим ўқийди, — дейди «Маҳаллаҳовуз» маҳалласи фуқароси Файзулла Ҳамроев. — Очиғи, иш билан бўлиб, ҳадеганда мактабга бориб туришга имкон тополмасдим. «Ота-оналар билан мулоқот дафтари» юритила бошлагач, болаларимнинг мактабдаги ҳаёти билан яқиндан танишиб бориш имконияти туғилди. Ўқитувчилар фарзандим ҳақида қандай фикрда бўлса, дафтарга ёзиб жўнатишади. Мен ҳам жавобини кечиктирмайман. Шу йўсинда фарзандларимнинг яхши ўқишини, тарбиясини назорат қилиб боряпман. Бу менга анча қулай бўляпти.

Айни пайтда 22-умумтаълим мактабида мингдан ортиқ ўғил-қиз таълим олмоқда. Уларнинг бир қисми Тошбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини, ярмидан кўпроғи эса «Маҳаллаҳовуз» ҳудудидан қатнайди.

— Ҳар икки фуқаролар йиғини ҳам бизнинг доимий ҳамкоримиз, таянчимизга айланган, — дейди мактаб раҳбари. — Айтишган-ку, битта болага етти маҳалла ота-она, деб. Айниқса, шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Собиржон Солиев, асли касби ўқитувчи, яъни бизга ҳамкасб бўлгани боис ҳам мактабимизга кўп келади. Фуқаролар йиғини фаоллари, алоҳида ҳурмат-эътиборга эга ҳамкишлоқларимиз билан турли учрашувлар, давра суҳбатларини кўпинча биргаликда ўтказамиз. Ҳомийлик ёрдамлари, хусусан, мактаб таъмирида ҳам ҳар иккала фуқаролар йиғини фаолларининг амалий ёрдамлари сезиларли бўлмоқда. Биз ҳам ўз навбатида ҳудудимизни ободонлаштириш ишларида фаол қатнашамиз.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига, эртанги кунимиз ворисларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёс. Чунки таълим-тарбия ишларидан ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Бугуннинг гапи

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД ОДДИЙ ҲОЛ ЭМАС...

— Ҳовлимизнинг бир четидаги ошхонага кечаси ёлғиз боришга қўрқаман. Ваҳоланки, ҳовлига бегоналар кирадиган жойнинг ўзи йўқ: девор баланд, дарвозамиз доим берк... Гап бошқа ёқда. Укаларим ҳар куни қўрқинчли фильмларнинг дискларини олиб келишади. Қизиқиш устун келиб фильмларни мен ҳам кўраман. Кейин... мана шундай қўёнюрак бўлиб юраман.

— Сен-ку ҳайҳотдек ҳовлида турасан. Мен-чи? Мен кўпқаватли уйда ҳам ёлғиз қолишга қўрқаман. Уйдагилар бирор жойга кетадиган бўлса, албатта, ўртоқларимни чақириб оламан. Ёлғиз қолсам, нуқул вампирлар ҳужум қиладигандек туюлади...

Ҳа, жамоат транспортида кетаётиб эшитганим бу суҳбат эътиборимни тортди. Вампирлар, маньяклар, даҳшатга солувчи фильмлар... Эътибор берган бўлсангиз, аксарият кичик ёшдаги болаларни кўпроқ ана шу мавзулар қизиқтираётгандек.

Бир эсга олинг-а: болалигимизда эшитган ва ўқиган эртакларда салбий образ — ялмоғиз кампир бўларди. Ижобий қаҳрамонларнинг саломига алик оларкан: «Агар салом бермаганингда икки ямлаб, бир ютардим», дейди у. Айни шу ҳолатда ялмоғиз кампир гапида болаларга ахлоқий тарбия берадиган бир жиҳат яширин. Яъни муомала маданиятини билиш ва хушхулқ бўлишга ундаш ғояси мавжуд.

Бироқ замонавий вампирлар талқинида бундай тарбиявий жиҳатларни топа олмаймиз. Бундай фильмлар болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг иродасиз ва қўрқоқ бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Энг ёмони, руҳий олами эндигина шаклланиб келаётган ёш авлоднинг дийдасини қотириб уларда ҳиссизликни пайдо қилади. Бу эса, боланинг келгусида шахс сифатида ён-атрофдагиларга муносабатида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ҳатто болалар учун яратилган анимацион асарларда ҳам кичкинтойларнинг дийдасини қотирадиган, улардаги раҳм-шафқат туйғуларини ўлдирадиган лавҳалар ҳаддан ортиқ кўплиги кишини ташвишга солади. Болаларнинг энг севимли мультфильмларидан бири бўлган «Tom and Jerry»да қаҳрамонлар тушадиган вазиятларнинг деярли аксарияти тирик жоннинг ўлими билан якун топади. Болалар эса қотиб-қотиб куладилар, олам-олам завқ оладилар.

— Болалик чоғимизда кино кўраётганда салбий қаҳрамонларнинг қўрқинчли ҳаракати тасвирланган саҳналар намойиш қилинадиган бўлса, шартта юзимизни тескари ўгириб, ўша кадрлар ўтиб кетгунича экранга қарамай турардик, — дейди Ҳафиза ая Баратова. — Ҳозирги кичкинтойларга бу ҳақда гапирсангиз кулгуга қолишингиз аниқ.

Албатта, ур-йиқит, отишма, қонхўрлик тасвирини замонавийлик, деб қарасак, адашамиз. Бундай асарлардан кўра кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга миллий анимацион асарлар ва «Қундуз амакининг қиссалари» каби хорижий асарлар намойиш этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

— Бир куни жиянларим жим бўлиб кетишганидан хавотирланиб, улардан хабар олиш ниятида уйга кирдим, — дейди Наргиза исмли танишим. — Телевизор қўйилган уйга кирсам, иккаласи ҳам экран қаршисида михланган: кабель каналларидан бирида қўрқинчли, ахлоқсиз саҳналар акс эттирилган фильм намойиш этилаётган экан. Томошабинлар 2-синфда ўқийдиган ва боғчанинг ясли гуруҳига борадиган жиянларим... Бирдан тутақиб кетдим: «Бу ёш болалар кўрадиган фильм эмас! Қани, тур, иккаланг ҳам», деганимни биламан катта жияним кичкинасига қараб бақира кетди: «Бор, ўйинингни ўйна, сенга бу кинони кўришни ким қўйибди». Кейин менга юзланиб юмшоқ оҳангда деди: «Келинг, амма, кўрасизми?..»

Ҳа, бу кундалик ҳаётда учрайдиган оддий ҳолатлардан бири. Бироқ уни оддий десак, тўғрироғи оддий-ку, деб қўл силтасак, ўринли бўлармикан?

Кейинги пайтларда Жанубий Корея ижодкорлари тасвирга олган тарихий асарлар кўп ва хўп намойиш этилмоқда. Жаҳон халқлари тарихини билиш, ўтмишдаги жасорати ва хатоликлар оқибатидан бохабар бўлишнинг зиёни йўқ. Аммо улардаги бир жиҳат кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этиш учун муносиб эмаслигини кўрсатади. Яъни доимий равишда айбсизу айбдор қаҳрамонлар қийноққа солинади, боши танасидан жудо этилади, найзалар ёмғиридан илма-тешик қилинади, сўйилади-чопилади... Шунингдек, салбий қаҳрамонлар ўз айбини англаб, тазарру қилиб, яхшиликка юз бурар чоғида атрофдагилар томонидан ўз жонига қасд қилишга мажбур қилинади. Инсон зотига хос бўлган раҳмдиллик, кечиримлилик, айбини тушунган инсонга имкон бериш каби жиҳатларга эътибор қаратилмайди. Бу саҳналарнинг хавфи интернетдаги ўлимга ундовчи сайтлар таҳдидидан қандай фарқ қилади?

«Оммавий маданият»нинг ана шундай — бир қарашда кўз илғамас таҳдидларини ўз вақтида англаш, ўсиб келаётган ёш авлод онгини ана шундай ахлоқий бузуқлик, маънавий тубанлик ва зўравонлик иллатларидан асрашимиз долзарб вазифалардан. Бунда бизнинг не-не асрлар оша етиб келаётган миллий анъана ва қадриятларимиз, одоб-ахлоқ мезонларимиз ҳимоя омили бўла олади. Ана шундай ўлмас хислат ва фазилатлар руҳи сингдирилган миллий кино ва анимацион асарлар кўпроқ яратилса, ўсиб келаётган ёш авлод онгу тафаккурини гўзал қарашлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Оила тилсими

ТЕНГИ ЧИҚСА ТУРМУШГА УЗАТИШМИ?

Азиза кўчадан югуриб кириб, ҳовлида куймаланиб юрган ойисини қучоқлади:

— Ойижон, лицейимиздаги энг иқтидорли ўқувчи, деб мени топишди. Ўша пайтда қувонганимни кўрганингизда эди! Худо хоҳласа, албатта, институт талабаси бўламан, — деди у болаларча беғуборлик билан.

Мастура ая қизалоғининг ютуғидан фахрланаётган бўлсада, хаёлида бугун келган совчиларга розилик берганини эслаб бироз шошилмадикмикан, деган ўйга борди. «Бўлар иш бўлди. У тенги қизлардан нечтасининг оила қурганини кўрганман. Азиза энди ёш бола эмас, яқинда 17 ёшга қараб кетаяпти. Унча-мунча пишир-куйдирни билади. Лицейдаги ўқишига келадиган бўлсак, қудалари: «Буёғидан хавотир олманг, қизингиз ўқишини бизникида давом эттиради, деб айтишди-ку». Университетга киришига ҳам ёрдамлашамиз, фарзандли бўлса неварамга ўзим қараб тураман", дейишди. Оиласи катталигини айтмаса, ҳамма нарсаси етарли, ўзига тўқ оила. Тенги чиқмаганда-ку, ҳалибери қизимни иссиқ бағримдан йироқлаштириш ниятим йўқ эди. Аммо тенги чиқса текинга бер, дейишган-ку...», дея ўзига тасалли берди Мастура ая.

«Тенги чиқса текинга бер». Ахир бу нақл ҳали бирор касб-ҳунарни эгаллаб улгурмаган қизларни турмушга бераверса бўлади, деган маънода айтилмаганку. Бу нақлга амал қиламиз, деб қизларимизнинг орзу-умидларини турмуш ташвишларига эрта боғлаб қўймаяпмизми? Бундан ташқари, қиз бола борган жойини обод қилиши учун, аввало, турмушнинг пасту баландини англаб етадиган даражада бўлиши лозим. Тенги чиқди, дея қизини 16-17 ёшида узатадиган ота-оналар, асосан, бунақа тагли-тугли оиладан яна совчи келадими, йўқми, деган фикрда бўлишса, қуда томон ёш келинни ўз йўриғимга юргизишим осон, бўлади, деб ўйлашади. Физиологик жиҳатдан ҳали тайёр бўлмаган келинлардан эса нимжон, заиф болалар дунёга келади. Мана шундай кўнгилсизликларнинг олини олиш мақсадида республикамизда кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. Маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар, долзарб мавзудаги суҳбатлар, тушунтириш ишлари йўлга қўйилганки, бу ҳам соғлом оилани шакллантириш, унда дунёга келаётган болаларнинг соғлиғини, камолини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

— Тўғри, қонунга кўра никоҳ ёши қизлар учун 17, йигитлар учун 18 ёш қилиб белгиланган. Аммо бундай никоҳга баъзи истисно ҳолатлардагина изн берилишини унутмаслигимиз лозим. Умуман, бу ёшда ёшлар нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам оила қуришга тайёр бўлишмайди, — дейди биз билан суҳбатда руҳшунос Саодат Тўйчиева. — Айниқса, лицей ёки коллежда таҳсил олаётган қизларнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик-а. Тонг ёришмай туриб кўча-ҳовлиларни супуриб, сўнг нонушта тайёрлаш, апил-тапил нонушта қилиб ўқишга бориш, сўнгра... Санайверсанг, бир кунда қилинадиган юмушларнинг ҳисобига бармоқларимиз ҳам етмайди. Шундай экан, ўйлаб кўрайлик, 16-17 ёшли қизалоқнинг мурғаккина жуссасига шунча иш оғирлик қилмасмикан? Қолаверса, бир йил ўтиб-ўтмай фарзанд туғилса-чи? Куни бўйи уй ишлари билан машғул бўлган келинчак тунда уйқусидан воз кечиб болага қарашига тўғри келади. Бу каби ҳолатлардан кўзимизни чирт юмамиз-да, тенги чиқди, дея уларни узатишга чоғланамиз. Ахир, бу ёшда улар ўтиш даврида бўлишади. Баъзилар қизиққон, тажанг бўлиб, сал гапга аразлайди. Ана ундан кейин қайнана-келин, қайнсингил-келин ёки эр-хотин ўртасида турли муаммолар юзага келаверади. Бизга баъзида ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг кўпчилигини оилавий муаммолардан қийналган ёш келинчаклар ташкил қилади. Уларга маслаҳат берарканмиз, ёш келинчакнинг зиммасидаги ташвишлардан баъзида ҳайратга тушасан, киши.

Дарҳақиқат, бундай ҳолатлар ён-атрофимизда учраб туради. Фалончининг келини кетиб қолибди, дейишса, бепарволарча қўл силтаб: ўзи ишларига ҳеч улгуролмасди, қачон қарасанг қайнанасидан гап эшитарди, дея айбни келинга ағдарамиз. Ваҳоланки, икки томон қуда бўлаётганда бўлажак келиннинг ёшини ҳам ҳисобга олишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Яқинда қўшни ҳовлига келин туширишди. Айтишларича, келин институтни битириб, мактабда ўқитувчилик қиларкан. Чаққонгина, бунинг устига пазанда эмиш. Агар ҳамма қизлар ҳам бирор касб ёки ҳунарнинг эгаси бўлгандан кейин турмушга узатилса, бўлажак оиласига қўшимча даромад келтириш билан бирга, турмуш синовларига бардошли бўлишади. Чунки улар бу пайтга келиб ўзини тутиб олган, қолаверса, талабаликнинг ўзи ҳам уни ҳаётга тайёрлаган бўлади. Бу ёшдаги қизлар оиладаги муаммоларни тарозига қўйиб ақл билан ҳал қилади. Энг муҳими улар соғлом фарзандларни камолга етказишга ҳар томонлама тайёр бўладилар.

Нигора ИМОМНАЗАРОВА.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Алишер Навоий номидаги маҳалласида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Баркамол авлод йилида маҳаллада болалар учун учта янги ўйин майдончаси барпо этилди. Айни кунларда бу ерда манзарали дарахт ва гул кўчатлари экиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар кўп қаватли уйлар атрофига ҳашар йўли билан юз туп арча кўчати ўтқазилди. Мана шундай хайрли тадбирларга маҳалла ёшлари кенг жалб қилинаётгани алоҳида эътирофга молиқдир.

СУРАТДА: *Маҳалла фаоли Маъруф Гадоев ёшлар даврасида.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Ўзингиз ибрат кўрсатинг

РОСТ СЎЗНИНГ МУКОФОТИ УЛУҒДИР

Ўзбек халқ эртаклари орасида энг машҳури «Уч оғайни ботирлар»да дунёдан кўз юмаётган ота ортида қолаётган ўғилларига қарата учта қимматли насиҳатни айтади. Улардан бири ростгўйлик ҳақида: «Доимо рост сўзланг, уятга қолмайсиз», деган фикр эди.

Дарҳақиқат, халқимиз азалдан ёлғон сўздан нафратланиб келган. Бой ҳаётий тажриба, кенг ва теран тафаккур оламидан дарак берувчи халқ оғзаки ижоди намуналарида минг аччиқ бўлса-да, рост гапнинг ёлғондан афзаллиги, ҳазил қилиб ҳам, жиддий туриб ҳам айтилган ёлғоннинг зарари ҳақида огоҳ этувчи фалсафий фикрлар бисёр. Умрини фарзандларининг бахт-саодатига бағишлаган, ўзи етолмаган ёруғ кунларга авлодлари етишишини орзу қилган ота-боболаримиз таълим-тарбия жараёнида айни шу масалага катта эътибор берган.

Айниқса, бу фазилат инсон камолотида муҳим аҳамият касб этиши эртакларда жуда таъсирчан ифодаланган. Аксарият эртаклардаги қаҳрамонлар чин сўзлагани туфайли мурод-мақсадига етади, юзи ёруғ бўлиб элида азизу мукаррам бўлади. Дарвоқе, ёш авлод тарбиясида эртагу масаллларнинг аҳамияти катта. Бошқа иллатлар қатори ёлғончилик ҳам айнан носоғлом оила муҳитида шаклланади. Аслида ҳеч ким боласининг ёлғончи, мунофиқ, иккиюзламачи бўлиб вояга етишини истамайди. Аммо болани бундай қусурлардан холи ўстирмоқ хамирдан қил суғургандек осон кечадиган юмуш эмас, бунинг учун эҳтиёткорлик, сезгирлик ва ҳушёрлик талаб этилади. Хўш, болани ростгўй қилиб тарбиялаш борасида нима қилмоқ керак? Болаларнинг ростгўй бўлишида маҳалланинг таъсири қандай бўлиши лозим? Бу саволларга жавоб топиш учун айрим юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

Гулжон ҲУСАЙИНОВА, нафақадаги шифокор: — Яқинда дўкондан улбул харид қилаётсам, етти-саккиз ёшлардаги болакай ҳам мен билан бирга савдо қилди. Ташқарига чиқсам, укасини кўтарган онасига олган маҳсулотининг устига беш юз сўм қўшиб айтаяпти. Худди шу маҳсулотдан мен ҳам харид қилганим учун онасига боланинг ёлғон гапираётганини ва маҳсулотнинг асл нархини айтдим. Онаси ишониб-ишонмай болани сўроққа тутди. Чўнтагидан чиқарган ғижимланган беш юз сўмликни кўргач, менга «раҳмат» деб, кейинги пайтларда ўғлининг интернет клубларидан бери келмай қолганини ташвишланиб гапирди. Қаранг, ёлғончилик болани ўғирликка етаклаяпти. Бугун арзимагандек туюлган бу ҳолат эртага жиддий кўнгилсизликларга сабаб бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Вақтида берилмаган тарбия ёхуд бепарволик оқибатида нафақат боланинг ўзи, балки унинг ота-онаси, яқинлари, маҳалла-кўй ҳам жабр чекмайдими? Шундай экан, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун ҳамма бирдек қайғуриши, ота-оналар ва маҳалладошлар болаларга янада эътиборлироқ бўлишлари керак, деб ўйлайман.

Нилуфар РАЖАБОВА, психолог: — Инсон табиати мулойим гапларга мойиллиги боис гоҳида рост сўздан кўра ёлғонга ишонишни афзал билади. Шу учунми баъзилар ёлғон гапириш иллат эканлигини била туриб, барибир, ёлғон гапиради. Кимдир бу ёлғоннинг қурбонига айланиб, жабр тортишини ўйламайди. Бироқ вазиятдан чиқиб кетиш учун ёлғон ишлатган одам у фош бўлгунча ҳадик ичида яшайди. Фош бўлган ёлғон эса ўша одамнинг юзини шувут қилади, дўст-биродарлари орасида беобрў бўлиши, турли хил низолар чиқишига олиб келади, гоҳида эса бу фожеага ҳам сабаб бўлади. Дўстлик барҳам топади, ёлғон гапирган кишига нисбатан ишончсизлик туйғуси пайдо бўлади. Энг ачинарлиси, энди шаклланаётган бола руҳияти ёлғон сўзлашга одатланса, унинг феълида кейинчалик ғийбат, чақимчилик, ҳасад қилиш каби иллатлар ҳам илдиз отади. Шу боис болаларни фақат рост сўзлашга ўргатмоқ лозим. «Мени уйда йўқ, де», «Ойим касал, деб айт» каби гапларни мажбуран айттириш орқали ёки берган ваъдангизни бажармаслик туфайли ўзингиз болангизнинг ёлғон гапиришига «ибрат» бўлмаслигингиз керак.

Меҳрибон ИСАЕВА, Боғот тумани «Ашхобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси: — Рост гапиришга одатланиш, болаларга ҳам бу фазилатни чуқур сингдириб бориш лозим. Аммо иш тажрибамда баъзида хайрли иш учун рост сўзлашдан кўра ёлғон гапириш заруратга айланган ҳолатлар ҳам учраган. Бунга мисол қилиб, Яраштириш комиссиямиз иш фаолиятига доир мисолларни келтириб ўтсам. Узоқ йиллик икки қадрдон дўст ёлғон туфайли аразлашиб қолишди, ачинарлиси, улар қарши қуда эдилар. Вақтида чора кўрмасак, иккита ёш оила бузилиш арафасида. Воқеа бўлган жойда маҳалламиздаги нуроний бир отахон ҳам иштирок этганини эшитиб, ундан кўмак сўрадик. Отахон вазиятни тушуниб, дўстлардан бирининг уйига борди ва: «Ўша жойда мен ҳам бор эдим, аммо Фалончибой бундай гапни айтмаганди», деди. Лафзи ҳалол отахоннинг гапларига асло шубҳа қилмаган дўст эса қудаси билан яраштди. Отахон ўша кишига бундан буён ўйлаб гапиришни насиҳат қилди. Бу оила ёлғон сўз туфайли сақлаб қолинган бўлса, бошқа бир оила айнан ёлғон туфайли пароканда бўлиб кетди. Шундай экан, ҳар бир айтган сўзимизни мулоҳаза қилиб кўрмоғимиз даркор.

Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир, дейилади ҳадиси шарифда. Рост сўзлашни ихтиёр эттанлар эса қийинчиликларга учрашса-да, пок, инсофли, хотиржам кишилардир. Бироқ яхши ва ёмон, оқ ва қора ёнма-ён юрганидек, чин сўз билан бирга ёлғон ҳам яшайверади. Ёлғон гапириш ёки гапирмаслик ҳар кимнинг тарбиясига, виждонига ҳавола. Муҳими, гапираётган гапимизни ақл тарозусида тортиб кўрайлик ва унинг оқибатини ўйлайлик.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Жамғарма кўмагида

НИКОҲ ТЎЙЛАРИ ЎТКАЗИБ БЕРИЛДИ

"Маҳалла" жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бўлим ташаббуси билан вилоятдаги ҳар бир тумандан 10 тадан кам таъминланган ёш оила рўйхатга олиниб, ҳозирга қадар жами 150 та никоҳ ва 214 та суннат тўйи ўтказиб берилди. Ушбу савобли тадбирларга жами 48,6 миллион сўм, жамғарма ҳисобидан эса 8,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида биргина Термиз шаҳридаги "Осиё" тўйхонасида кам таъминланган 10 та оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. Тўйболаларнинг ҳар бирига банкда омонат ҳисоб рақами очилди, уларга турли совғасаломлар улашилди.

Р. ШЕРҚУЛОВ.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинган кун

ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИЛАРИ МУЖАССАМ

Бош қомусимиз қабул қилинганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ, лекин аллақачон жаҳондаги энг адолатли, энг инсонпарвар конституциялардан бири сифатида эътироф этилди.

Хўш, Конституциямизнинг инсонпарварлиги нималарда кўринади? Таъкидлаш жоизки, Бош қомусимизни яратишда, аввало, демократик тамойиллар инобатга олинган, жаҳондаги энг ривожланган давлатлар конституцияларига таянилган. Шу билан бирга конституциямизда халқимизнинг менталитети, яшаш тарзи, тарихий қадриятлари, урф-одатлари ҳам ўз аксини топган. Конституциямизнинг XIV боби «Оила», деб номланган. Бу бизда оила муқаддаслигини билдиради. Зеро, халқимиз томонидан қадим-қадимдан оила, ота-она ўртасидаги муносабатлар, фарзанд тарбияси биринчи ўринга қўйиб келинган.

Конституциямизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий буғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган. 64-моддада эса: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқишга ва тарбиялашга мажбурдирлар», деб ота-онанинг мажбурияти белгилаб қўйилган.

Демак, мамлакатимизда ота-она ўзлари дунёга келтирган фарзанд вояга етгунча унинг қорни тўқ, усти бут бўлиши, таълим-тарбияси учун жавобгар. Бу эса фарзандлар келажаги тимсолида мамлакат келажаги учун қайғуришдир. Дунёдаги бирорта мамлакат конституциясида мазкур бурч бунчалик аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Эътибор берган бўлсангиз, ўзларини энг демократик давлат ҳисобловчи айрим ғарб мамлакатларида фарзанд вояга етгач ота-онасидан алоҳида яшайди. Ҳатто ота-онаси қариб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолганда ҳам улардан хабар олмайди. Конституциямизнинг 66-моддасида: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган. Энди айтинг, ота-онанинг фарзанд вояга етгунча меҳр-мурувват кўрсатиши, ўз навбатида, ота-она қариганда фарзанднинг уларга ғамхўрлик қилиши инсонпарварликнинг, одамийликнинг юксак белгиси эмасми?!

Бўлимимизда деярли ҳар куни ўнлаб ёшларни никоҳдан ўтказамиз. Жорий йил бошидан буён 1000 нафардан кўпроқ йигит-қизга мустақил ҳаётга йўлланма бердик. Уларга гувоҳнома беришдан олдин, албатта, Конституциямизнинг юқоридаги моддаларини эслатамиз. Бундан ташқари «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳудудимиздаги маҳаллаларда, коллеж ва лицейларда, бошқа ўқув юртларида тез-тез учрашувлар уюштирамиз. Учрашувларда юртимизда ёшлар камоли йўлида яратилган шароитлар билан бирга оила муқаддаслиги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам тушунтириш ишлари олиб борамиз.

Хулоса қилиб айтсам, Конституциямизда демократик тамойиллар, ўзбекона қадриятлар, халқимиз орзу истаклари ўз аксини топгани учун ҳам у барчамизнинг қалбимизга яқин ва қадрлидир.

Малоҳат ОБЛОҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими ходимаси.

"Mahalla" жавоб беради

МАШИНАНИ ЖИЯНИМГА БЕРМОҚЧИМАН, АММО...

***САВОЛ:* — Жияним менинг номимдаги "Нексия" авто машинасини вақтинча бошқариш учун рухсат сўради. Мен рози бўлдим. Бироқ бунинг учун ишончнома ёзишим керак экан. Агар ишончнома ёзиб берсам, у қанча муддатга амал қилади? Уни хоҳлаган пайтда бекор қилиш ҳуқуқига эгаманми?**

Н.ЖИЯНОВ.
Тошлоқ тумани.

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ишончноманинг берилиш тартиби ва муддати белгилаб қўйилган. Унга кўра ишончнома оддий ёзма ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Кодекснинг 139-моддасида ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши қайд этилган. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий, деб ҳисобланмайди. Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

Шунингдек, кодекснинг 141-моддасига кўра ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос Фасиҳиддин СУЛТОНОВ жавоб берди.

© фото-Носир Ҳайдаров

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар

ХУФЁНА МОЛИЯВИЙ ҲАРАКАТ

ёхуд «Тяньши инвест» МЧЖ "раҳнамо"ларининг кирдикорлари ҳақида

РЕЖА. Қаращдики, фаолият юритишга Ўзбекистон жуда қулай: тадбиркорликка кенг йўл очилган, қонунлар жаҳон андозалари даражасида, чет эл инвесторларига эътибор алоҳида. Булардан ҳам муҳими фуқаролари очиқ кўнгил ва ишонувчан!... Бундай шароитларда кўп ва хўп ишлар қилиш мумкин. Шундай қилиб, махсус режа асосида ишга киришдилар.

ФАОЛИЯТ. Дастлаб фаолият яширин тарзда олиб борилди. Бу жараёнда асосий эътибор ҳамкор-аъзолар жалб этишга қаратилди. Аъзолар сони кўпайиб, маълум даражага етгач, фаолиятига гўёки қонуний тус берилди. Яъни «Тяньши инвест» масъулияти чекланган жамият ташкил этдилар.

«ТЯНЬШИ ИНВЕСТ». Пойтахтнинг Сирғали тумани ҳокимиятидан 2004 йилнинг 25 июнида рўйхатдан ўтган ушбу МЧЖнинг таъсисчиси — Қозоғистондаги «Тяньши» ширкати эди. Аслида бу шунчаки ниқоб бўлиб, юртимизда яна битта хорижий корхона иш бошлаганини билдирарди, гўё... Амалда эса таъсисчи — Хитойнинг машҳур «Тяньши» корпорациясининг «тармоқли маркетинг» тизими дистрибьютори сифатида унинг маҳсулоти — биологик актив қўшимчаларни ноқонуний сотиш билан шуғулланарди, холос.

«ТЯНЬШИ». Шу номдаги корпорация 1995 йилда Хитойда ташкил этилган. Асосан, биологик актив қўшимчалар («биодобавка») ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган мазкур корпорация ўтган ўн беш йил давомида кўплаб мамлакатларга кириб борган. 2001 йилда юртимизда дастлаб яширин, кейинроқ, 2004 йилдан гўёки «қонуний» фаолият олиб борган «тяньши»чилар қисқа вақт ичида 172 минг нафардан зиёд аъзони жалб қилишга муваффақ бўлган. Қандай қилиб?

«ДААЎВАТ». Юртдошларимизнинг очиққўнгиллиги ва ўта ишонувчанлиги — айни шу омил «тармоқли маркетинг» учарларига қўл келган бўлса, иккинчи томондан, улар турли психологик усуллардан ҳам жуда усталик билан фойдаланишган. Яъни «хоторн эффекти» ёки «плацебо услуби» каби психологик таъсир кўрсатиш усуллари орқали, айниқса, ғўр ёшлар, ҳаётда пул ва бойликдан бошқа нарсани кўрмайдиган кимсаларни «тузоққа» илинтириш улар учун ортиқча муаммо бўлмади...

ЯНА. «Тяньши инвест»дан маҳсулот сотиб олган киши «дистрибьютор» мақомига лойиқ кўрилаверилган. Бунинг учун 10 АҚШ доллари тўланиши талаб этилган. Пулни тўлаб, шундай «мақом»га лойиқ кўрилган одам маҳсулотнинг 25 фоиз арзонга сотиб олиш имтиёзига эга бўлган, гўё... Агар у яна ушбу тизимга янги аъзоларни жалб этса, тағин маълум "имтиёз"га раво кўрилган. Маҳсулотнинг асл баҳоси қанчаю 25 фоиз арзони қанча бўлади?... Бу каби саволлар очиқ қолаверган: кимдир бунга сўраб ўтирмаган бўлса, журъат қилиб сўраганнинг қулоғига «лағмон» осилгани аниқ. Ахир, юзлаб эмас, юз минглаб одамларга психологик таъсир кўрсатиб, афсона-чўпчакларига лаққа ишонтирган учарларга нарх-наво борасидаги саволларга жавоб топиш чўт бўптими?!... Алқисса, «шоввоз»лар маҳсулотни ҳақиқий нархдан беш-ўн баробар қимматига пуллашганки, бундан ҳосил бўлган рақамлар унча-мунча тасаввурга сиғмайди.

РАҚАМ. Ўтган вақт мобайнида «Тяньши инвест" "учарлари" 172 минг нафардан зиёд одамни «тузоққа» илинтириб, маҳсулотларини қиммат нархда пуллаши натижасида ***39 млрд. 637 млн. 944 минг сўм***дан ортиқроқ мулкни қўлга киритганлар. «Олди-берди»лар сўмда эмас, ноқонуний равишда долларда амалга оширилгани инобатга олинса, рақамлар бир неча ўн миллион "кўкини" ташкил этишини илғаш қийин бўлмаса керак.

МАҲСУЛОТ. Хўш, биологик актив қўшимчалар («биодобавка») қандай хусусиятга эга? Инсон саломатлигига нечоғли фойдали? Бунинг аниқ шаҳодати, кафолати борми?... Қизиғи, бу каби саволларга тайинли жавоб йўқ. Маҳсулотни истеъмол қилганлар ҳам бу борада аниқ гап айтиши ёки даъво қилиш қийин. Боисики, улар "минг дардга даво" дориларни бегоналардан эмас, ўзи билган-таниган, аксарияти эса қариндошуруғлари орқали сотиб олишган-да... Устакорлик шу даражадаки, "Тяньши инвест" ўз аъзоларини бир вақтнинг ўзида ҳам дистрибьютер, ҳам жабрланувчига айлантирган...

МЕЗОН. "Тяньши инвест" МЧЖнинг маҳсулотлари тиббиёт ўлчовларидан қанчалик йироқ бўлса (факт: жамият томонидан 2006 — 2008 йилларда мамлакатимизга ***59 турдаги, 543,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги*** маҳсулотлар, устига-устак ноқонуний равишда олиб кирилган бўлса, шулардан ***фақат 17 турдагисига тегишли мувофиқлик сертификати олинган,*** холос. Қолгани ноқонуний сотилган), унинг юридик шахс сифатидаги фаолияти ҳам амалдаги тартиб ва қоидаларга умуман жавоб бермаган.

ЯНА РАҚАМ. Маҳсулотлар юртимизга ғайриқонуний олиб келингани оқибатида "Тяньши инвест" МЧЖ раҳбарлари ***4 млрд. 471 млн. 929 минг сўмдан*** кўпроқ божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашган. Шунингдек, турли хил йўллар билан даромадларини яшириш орқали ***2 млрд. 67 млн. 492 минг сўмдан ортиқ*** ягона солиқ тўловига "чап" беришган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2007 йилдан 2009 йилнинг июль ойига қадар маҳсулот ва аъзолик тўлов пулларидан тушган жами ***29 млн. 494 минг 858 АҚШ доллари*** банкка кирим қилинмасдан, бир қисми (***12,4 млн АҚШ доллари***) уюшган жиноий гуруҳ томондан ўзаро тақсимланиб олинган бўлса, қолгани (***17 млн. АҚШ доллари***) нақд пул шаклида божхона назоратини четлаб ўтилиб, тўппа-тўғри Хитойга – "Тяньши" корпорациясига жўнатилган.

ТАҲДИД. Бу ўринда маънавиятга таҳдид назарда тутилмоқда. Яна бир бало шундаки, "Тяньши инвест" МЧЖ "раҳнамо"ларининг ноқонуний фаолиятида маънавиятимизга таҳдид этиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, фуқароларни "тармоқли маркетинг"га жалб этиш мақсадида гўёки одамларга "бой бўлишнинг осон йўли"ни кўрсатиш ниқоби остида уларни алоҳида, тоталитар ва деструктив элементли ягона жиноий тузилмага бирлаштириб, бунда "меҳнатсиз бой бўлиш" ғоясини эътиқод даражасига кўтаришга уринишган. Бу маънавиятимизга нисбатан ошкора таҳдид эмасми?! Шу ғояни фуқаролар онгига сингдириш йўлида турли "семинар", учрашувлар уюштириш, қонунга зид равишда матбаа маҳсулотлари, аудио ва видеоёзувлар тарқатиш маънавий таҳдиддан бошқа нима?!. Муттаҳамлар шу йўл билан ҳам даромад олишни назардан қочиришмаган. Яъни, "Тяньши инвест" ташкилотчилари томонидан "ғоя"ларини янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида қонунга зид равишда, умумий адади 10 минг дона бўлган бир неча китоб, яна шунча миқдорда диск тайёрлаб сотилган. Китобларнинг донаси 2500 сўмдан, дисклар эса 2000 сўмдан пуллангани уларга яна ***27 миллион сўмга яқин даромад*** олиб келганини англатади.

ОҚИБАТ. Ҳар нарсанинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам бор. Юқоридаги кирдикорлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фош этилиши натижасида фирибгарларнинг қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди. "Тяньши инвест" МЧЖ раҳбари бўлган Хитой Халқ Республикасининг икки нафар фуқароси — Цзао Жун ва У Жинпинг етакчилигидаги жами 19 нафар (17 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқароси) жиноий гуруҳ аъзолари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Мазкур ҳукм қонуний кучга кирган.

Турсунали АКБАРОВ,
"Mahalla" муҳбири.

Қонун моҳияти

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИ ЎЙЛАБ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бола ҳуқуқлари ва уларни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Вояга етмаганлар ишлари бўйича доимий комиссия ишлаб турибди. Мазкур комиссия фаолиятига раҳбарлик эса бевосита мамлакатимиз Бош прокурори зиммасида.

Мустақиллик йилларида вояга етмаганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Биргина 2008 йилнинг ўзида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги, «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Жорий йилнинг ўзида Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилнинг 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур муҳим ҳужжат давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ёш авлод таълим-тарбияси бўйича масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари ва муассасаларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб республика миқёсида кенгайтирилган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ва ташкилотлар билан бирга «Маҳалла» жамғармаси вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида ички ишлар идораларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йил 12 мингдан ортиқ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 10 ойида бу кўрсаткич 10200 нафарни ташкил қилди. Бундан ташқари вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 131 нафар ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, 99 нафарини муомала лаёқатини чеклаш борасида суд идораларига тегишли ҳужжатлар тақдим этилди.

Ички ишлар идоралари тизимида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига масъул бўлган ходимларнинг ҳаракати эндиликда янги қабул қилинган қонун билан ҳимояланди. Қонуннинг 3-моддасида «вояга етмаган», «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила», «назоратсиз», «якка тартибдаги профилактика иши», «қаровсиз», «ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар» каби терминларга ҳуқуқий таъриф берилди. Жумладан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими, деб таърифланди. Ҳолбуки қонун кучга киргунга қадар юридик адабиётларда бундай тушунчаларга ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилмаган эди.

Қонуннинг 2-бобида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари батафсил ёритилди. Жумладан, қонуннинг 8-моддасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ички ишлар органлари; таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари; васийлик ва ҳомийлик органлари; соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими сифатида белгиланди.

Қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатлиги кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида мазкур марказларнинг бинолари жорий ва капитал таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Андижон ва Наманган вилоятларидаги марказлар янги, шинам, барча қулайликларга эга бўлган замонавий бинолларга кўчирилди.

Қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ваколатлари батафсил ёритилган. Илгари бу борадаги фаолият ИИВнинг алоҳида буйруғи асосидагина амалга ошириб келинган эди.

Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириши, белгиланган тартибда уларни шу йўналишда иш олиб борувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юбориши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўгараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганиб боришлари, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этишлари қонун билан мустаҳкамланди.

Қонундаги янгиликлардан яна бири — вояга етмаганларга нисбатан ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ваколати вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларига берилганлигидир. Республика миқёсидаги кенгайтирилган амалий семинарда янги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, ўсмирлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигига оид мавжуд вазият атрофлича таҳлил қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бир болага етти маҳалла ота-она. Агар шундай бўладиган бўлса, ўсмирлар ҳеч қачон назоратсиз қолмаслиги лозим. Бунинг учун аввало, ота-оналар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ёшлар тарбиясига масъул бўлган бошқа ташкилот ва ҳаракатлар, маҳалла фаоллари ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда бир ёқадан бош чиқариб саъй-ҳаракат кўрсатишлари керак, Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди.

Норали ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Матбуот маркази бош инспектори.

Ифтихор

ДУНЁ УЗРА БАЛАНД ТУТИБ ВАТАН БАЙРОҒИН



< [1]

Қитъанинг 45 давлатидан қатнашган 10 минг нафар спортчи мазкур Осиё ўйинларида 42 та спорт тури бахсларида 476 жамланмадаги медаллар учун курашиб, шундан 35 та давлат вакиллари ушбу медалларни ўзаро тақсимлаб олишди. Мураккаб беллашувлардан матонат билан ўтган 56 нафар спортчиларимиз Гуанчжоуда Ватанимиз шарафини улуғлагани эътирофга лойиқ воқеа бўлганини таъкидлаш жоиз. Бу юртимиздаги 56 та маҳаллага спорт қувончи кириб келди, деганидир.

Маълумки, мамлакатимиз спортчилари ўтган Осиё ўйинларида 20 га яқин спорт тури буйича иштирок этишган эди. Бу гал эса 29 та спорт турида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Спортчиларимизнинг ғолибликка эришган спорт турлари мундарижасига эътибор қаратадиган бўлсак, қувончли манзарага гувоҳ бўламиз: дзюдо, эркин кураш, бокс, енгил атлетика, велоспорт, теннис, байдарка ва каноэ, бадиий гимнастика, оғир атлетика, таэквондо, ўқ отиш, спорт гимнастикаси... Айнан ушбу спорт турларида ғолиб чиққан Ришод Собиров, Дилшод Мансуров, Владимир Тўйчиев, Светлана Радзивиль, Элшод Расулов, Луиза Галиулина, Артур Таймазов, Оқгул Омонмуродова, Вадим Меньков, Гўзал Хуббиева каби жасоратли спортчиларимиздан Лондон олимпиадасида ғалабалар муждасини кутиб қолишга ҳақлимиз.

Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши туфайли юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида бири-биридан кўркам, замонавий спорт иншоотлари бунёд этилиб, зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Минглаб ўғил-қизларимиз спорт машғулотларига жалб этилмоқда. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилаётир. Юртимизнинг ўқувчи, талаба ёшлари учун уч босқичли спорт тизимининг жорий этилиши натижасида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларида минг-минглаб иқтидор эгалари кашф этилиб, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб келмоқда. Шу билан бирга, Лондон олимпиадасига тайёргарлик кўриш бўйича ҳукумат Дастури асосида спортчиларимизга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Маҳоратли спортчиларимиз яратилган қулайликлардан унумли фойдаланиб, халқаро мусобақаларда керакли натижаларга эришаётир. Албатта, муваффақиятлар ўзимизники. Осиё ўйинларида эришилган натижалар билан ҳар қанча фахр этсак арзийди. Лекин "кичик олимпиада"да стол тенниси, у-шу, сузиш, юнон-рум кураши, футбол каби спорт ўйинларида белгиланган марраларни забт этолмаганимиз ҳам бор гап. Гуанчжоудаги натижаларни ҳали мутахассислар таҳлил этишади. Муҳими, спортчиларимиз Лондон шаҳрида ўтадиган олимпиаданинг катта довонидан ошишди. Ўзбекистон номи яна бир бор дунё узра баралла янгради.

Тўлқин РЎЗИЕВ.

Орамиздаги одамлар

ТАБИАТДАН ТИЛСИМ ИЗЛАБ

У табиат шайдоси, гўзаллик ошуфтаси. Умрини она-табиатни ардоқлашга бағишлаб, ҳар гиёҳдан, дарахту жонзотдан тилсим излаб, пайвандлаш асосида уларнинг заминимизда камдан-кам учрайдиган ғаройиб, сермаҳсул турлари, зотларини кашф этмоқда.

Ёши саксонга яқинлашиб қолган бу инсоннинг куйинчаклигини, элим деб, юртим, деб чарчаш нималигини билмай елиб-югуришини кўрганлар «Ҳаётда яшаш илмини, умргузаронлик моҳиятини Эшжон отадан ўрганмоқ керак», деган хулосага келишлари табиий. Унинг ёмон кўргани — вақтни беҳуда сарфлаш. Жони-тани соғ бўлиб, на ўзига, на эл-юртга нафи тегмасдан юрган одамни кўрса, чидаб туролмайди. Аввало, унга ўзининг саъй-ҳаракатлари билан ибрат кўрсатишга уринади.

Унинг умр йўлининг ўзи бир мактаб. Бу мактабдан сабоқ олган қанчадан-қанча инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топиб, Эшжон отани устоз биладилар.

ЯЛПИЗ — КАНАЛАР КУШАНДАСИ

У бозор оралаб бораётиб, асал сотилаётган расталар олдидан чиқиб қолди. Асал — минг дардга даво, соғликни асровчи, мустаҳкамловчи бебаҳо неъмат. Аммо асал етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Асалари уяларида пайдо бўлган зараркунанда ҳашарот каналар кўпайиб, анча ташвиш туғдирди. Унга қарши кимёвий йўл билан курашиш мумкин эмас. Негаки, асал соф, беғубор, асл неъмат. Унинг асллигини сақлаб қолиш учун каналарга қарши қай тариқа курашиш керак? Қандай қилиб бу тайёрга айёрни бартараф этиш мумкин? Ана шу ўйлар Эшжон отага тинчлик бермасди.

Бир куни боғини айланиб юриб, ариқ чеккасида ўсиб турган ялпизга кўзи тушди. Бўйи бир метрча бор. Ҳиди хушбўй, ўзи шифобахш. Ана шу ўткир ҳидли ўсимликдан фойдаланиб, канани йўқотиб бўлмасмикан? Шу ўйда ишга киришди. Ўзи раҳбарлик қилаётган Хива тумани «Ёш табиатшунослар» маркази тўгарак аъзолари билан биргаликда ялпизларни ўриб, асалари уялари устига ёйиб чиқишди. Бир кеча-кундуздан сўнг асалари уясига ин қурган каналарнинг тўкилиб ётганини кўрди. Лекин текшириб кўрса, ҳали учиб юрган ишчи ота асаларилардаги каналар тўла-тўкис барҳам топган эмас. Эшжон ота бошқача йўл тутди: ялпизни қайнатиб, совиганидан кейин докада сузиб, қайнатмани пуркаш йўли билан каналарни буткул йўқотишга эришди. Асаларичиликка катта зарар етказиб келаётган канани йўқотишнинг оддий, инсон саломатлигига хавф етказмайдиган, арзон усулини шу тариқа кашф қилди. Бу ихтироси пойтахтдаги мутасадди ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди. Э.Маткаримовга шу ҳақда махсус сертификат берилди. Унинг бу тажрибасини республика бўйлаб оммалаштиришга қарор қилинди.

Яна бир тажриба: ўзининг гўштдорлиги, тухумининг йириклиги билан маҳаллий паррандалардан тубдан фарқ қиладиган Австриянинг «Кахинхан», деб номланадиган товуқларини келтириб, маҳаллий шароитда кўпайтириб, вилоят бўйлаб кўп жойларга тарқатди. Парранданинг ана шу зоти ҳозир кўпгина хонадонларда боқилиб, яхшигина даромад олинмоқда.

«МУСТАҚИЛЛИК» МЎЪЖИЗАСИ

Бир-биридан чиройли, хушбўй гуллар, шифобахш гиёҳлар ўстиришдаги тажрибалари ҳам Эшжон отанинг чинакам табиат шайдоси эканлигида далолат. Айниқса, унинг эртапишар, ҳосилдор ғўза навларини яратиш борасидаги тажрибалари диққатга сазовордир. Бу борада у Хоразм Маъмун академияси, Урганч Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда жиддий изланишлар олиб бормоқда.

— «Мустақиллик» деб номлаган навим Хива туманидаги Шомохулум қишлоғи далаларида экиб синаб кўрилмоқда, — дейди отахон. — Ниятим, маҳаллий шароитда, ҳосили 90-95 кун ичида пишиб етиладиган, навлар яратиб, уларнинг самарасидан эл-юртимни баҳраманд этишдир.

Э.Маткаримов бу нав ғўзанинг агротехникаси ҳақидаги батафсил маълумотларни тегишли мутасадди ташкилотларга топширди. Келажакда у воҳамиз, республикамиз бўйлаб кенг тарқалса ажаб эмас.

Эшжон отанинг асли касби ҳосилот. Ўн беш йилдан зиёдроқ вақт «Ёш табиатшунослар» марказида асаларичилик, пахтачилик, гулчилик тўгаракларига раҳбарлик қилди. Қатор кўргазмалар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, дипломлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Ихтиролари, тажрибалари республика миқёсида эътироф этилди.

ТОМОРҚА — ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Отахоннинг ҳовлиси, томорқаси бамисоли жаннатмакон гўша: гуллар, хиёбонлар, мевали-манзарали дарахтлар... Айниқса, хон нашватиси, ҳазорасп олмаси, Тошкентдаги Шредер номидаги боғдорчилик институтидан келтириб, экиб кўпайтирилган гилос, Ғазалкентдан келтирилган ёнғоқ дарахтлари... Меваси чойнакдай келадиган, уруғи Эрондан келтириб кўпайтирилган олма, нашватилар... Эндиликда Краснодар ўлкасидан "женшен" уруғини келтириб, уни кўпайтириш устида иш олиб борянпти. Боғида юрак малҳами ҳисобланган, соғлик учун ниҳоятда фойдали бўлган ўрикнинг ўндан зиёд тури бор.

Умуман, томорқадан фойдаланишда Эшжон отанинг олдига тушадиганлар камдан-кам, десак муболаға бўлмас. Ўзининг ҳовлисига ёндош қурилган фарзандлари боғи, томорқасида бир қарич ернинг бўш турганини кўрмайсиз. Ловия, мош, кунгабоқар, сабзавот экинлари... Томорқа туфайли хонадони файзли, дастурхони тўкин, турмуши фаровон.

— Гул ҳаётни, меҳнат умрни безайди, — дейди Эшжон ота. — Меҳнат қилган одам ҳамиша эл-юртда азизу мукаррам.

Ҳаётини аҳоли турмуш фаровонлигига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадга бахшида қилган Эшжон отанинг юртимиз табиати бойлигига бойлик қўшиш, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашдек эзгу ишлари давом этмоқда.

Абдулла САФОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Хабарлар

КУРАШЧИЛАР ҚАРШИДА БЕЛЛАШМОҚДА

Кеча Қаршидаги Олимпия захиралари спорт коллежида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бошланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йилги тақвим режасидан жой олган мазкур мусобақаларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 400 нафарга яқин спортчилар иштирок этишмоқда.

— Қаршида ўтказилаётган ушбу кубок баҳсларида кураш бўйича жаҳон чемпионлари, Осиё ўйинларининг совриндорлари иштирок этаётганлиги мусобақаларнинг муросасиз ўтишини таъминламоқда, — дейди кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Олимжон Ҳайитов. — Ўзбекистон кубогининг натижаларига кўра терма жамоага бир қатор иқтидорли курашчиларни жалб этмоқчимиз. Айнан кубок мусобақаларида сараланган ёшлар 2011 йили дунёнинг бир қатор мамлакатларида ўтказиладиган нуфузли турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари 4 декабрь куни аниқланади.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ БУТУНЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг ёш шахматчилари мураббий Сергей Пенчук раҳбарлигида Туркиянинг Бордум шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтаётган бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этмоқда.

Туркияда бошланган ақл гимнастикаси баҳсларида халқаро турнирларнинг ғолиби бўлган Искандар Орипов, Олег Артёменко, Жаҳонгир Воҳидов, Алихон Гусейнов каби юртимиз ёшлари шахмат олимпиадасида ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Акс-садо

ТЕЛЕФОН КЎНГИЛОЧАР ВОСИТА ЭМАС...

«Телефонда ким қандай гаплашади?» сарлавҳали мақолани ўқиб («Mahalla» газетаси, 2010 йил 11 ноябрь, 44-сон)

Автобусда бехосдан аёл кишининг чинқириғидан чўчиб тушдим. Ёнимда ўтирганлар ҳам безовталаниб атрофга аланглашди. Яна бир пасдан кейин аянчли чинқириқ такрорланди. Кейин маълум бўлишича, бу овоз бир йигитнинг телефонидан чиққан товуш экан.



Этни жунжиктирадиган бу аянчли товуш ҳар сафар жиринглаганда ўсмир йигитнинг руҳиятига қандай таъсир қилар экан, деб ўйладим. Бундай асабий чақириқлар, тажовузкорлик акс этган видеолавҳалар, мусиқалар ёшлар онгида шафқатсизликни шакллантирмаяптими?

Яқинда бир талаба қизнинг: «Менга 35 та SMS келди», дея дугоналарига SMS ўқиб бераётганини эшитиб ўйланиб қолдим. Хўш, талаба дарс қилиш, конспект ёзиш ўрнига телефон орқали мактуб ёзиш ёки уни ўқиш билан банд бўлиб қолмаяптими? Мақолада таъкидланганидек, айрим ёшларимизнинг нафақат телефонда сўзлашиш маданиятини, балки телефондан қандай фойдаланиш қўникмасини ҳам билмаслиги ачинарли ҳолдир. Ҳатто телефонга маънисиз қўшиқларни, порнографик суратларни кўчириб чалғиётган ёшларимиз ҳам бор. Баъзида ур-йиқитдан иборат лавҳалар, уятсиз шеърлар, латифалар ёшлар тарбиясига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун биз катталар фарзандларимизнинг уйдан ташқаридаги юриш-туришини назорат қилиш билан чекланмай, уларнинг доимий ҳамроҳи — телефонини текшириб туришни канда қилмаслигимиз лозим. Ахир, телефон кўнгилочар, бекорчиликда эрмак эмас-ку. Болага телефонни олиб беришдан мақсад унинг қаерда нима иш билан бандлигини билиш, ундан хабардор бўлиб туриш эмасми? Фарзандимизга телефон олиб бераётганимизда ундан қандай фойдаланиш лозимлигини ўргатишимиз зарур. Баъзида мактаб ўқувчиларининг танаффус чоғида тўда-тўда бўлиб телефонда нималарнидир томоша қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Шунда қанийди ўқувчилар телефонга термулиш ўрнига ўқиган китобини ёки дарсни муҳокама қилаётган бўлса, дея ўйлайсан, киши.

Толиб ЭНАЗАРОВ, ЎзМУ филология факультети ўқитувчиси, доцент.

Тиббиётимиз жонкуярлари

МЕҲНАТ БИЛАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН

Жиззахлик тажрибали шифокор Раҳмонқул Сувонқулов янгидан ташкил бўлган Жиззах вилояти касалхонасига ишга келганида ЛОР бўлими эндигина шакллана бошлаган эди. Қулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволайдиган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сезилиб турарди. Бўлим ишини тиклашда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг амалий ёрдами катта бўлди. Қисқа вақт ичида нафақат бўлим, балки шаҳар ва туманларнинг бўлимлари ҳам замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Ўша йиллар вилоят касалхонасида беморларни даволаш кескин яхшиланди. Шу ернинг ўзида уларни операция қилиш йўлга қўйилди. Фориш, Зомин, Бахмал, Мирзачўл ҳамда Жиззах туманларидан келган беморлар тажрибали хирург Раҳмонқул Сувонқуловдан дардларига даво топишди. Дастлабки уч йил мобайнида бўлимда касаллик ўринлари 10 тадан 50 тага етказилди ва тезкор навбатчилик жорий қилинди. Туман касалхоналарига вилоят вакиллари юборилиб, улар қулоқ, томоқ ва бурундаги сурункали касалликларни даволаш профилактикаси билан шуғулланишди. Айниқса, касалликларни ўз вақтида даволаш, диспансер назоратига олиш хизмати яхши йўлга қўйилди. Натижада, бундай касалликларнинг бош мияга асорати кескин камайди. Агар 70-йиллар адоғида бир йилда ўртача 19-20 нафар бемор бош мия қопқоғидаги асорат билан операция қилинган бўлса, истиқлол йилларида бу кўрсаткич 1-2 тадан ошгани йўқ.

Раҳмонқул Сувонқулов Жиззах вилоятининг чўл ҳудудидаги бешта туман аҳолисига хизмат кўрсатадиган Дўстлик шаҳридаги туманлараро ЛОР бўлими раҳбари бўлиб иш бошлаган кезларида Бахмал туманидаги Сангзор қишлоғидан 10 ёшли бемор Ирода Бозоровани оғир аҳволда олиб келишди. Бемор Дўстликка келтирилгунча маълум вақт Ғаллаорол ва Жиззах тумани юқумли касалликлар шифохоналарида ётган, сўнгра вилоят касалхонасига юборилган экан. Касалхонадагилар уни даволаш бефойда, деган хулосага келишган. Бемор синчиклаб текширилгач, у отоген менингит касаллигидан азият чекаётгани аниқланди. Шифокорлар муолажаси ижобий натижа берди ва жарроҳлик амалиётини Раҳмонқул аканинг ўзи ўтказди. Томоқ, бурун ва қулоқ йўлларидаги ўсимталар олиб ташланди. Кўрсатилган тиббий хизмат туфайли Ирода тўлиқ соғайиб кетди. Ҳозир у икки нафар фарзанднинг онаси.

Бугунги кунда Р.Сувонқулов вилоятда кўплаб шогирдлар орттирган.

— Раҳмонқул акадай устозим билан фахрланаман. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу инсоннинг бой тажрибасидан биз шогирдлар баҳрамандмиз. Оғир хасталиклар юзасидан маслаҳатлашиш учун мурожаат қилганимизда устоз биздан ёрдамини аямайди. Баъзан касалхонага келиб биз даволаётган беморларни кўриб, ўз фикрларини билдиради, — дейди биз билан суҳбатда вилоят болалар шифохонаси ЛОР бўлими мудири Ўктам Аҳмедов.

Бу шифо маскани шифокорлари нафақат узоқ-узоқлардан келган беморлардан, балки «Оққўрғонлик» ва «Ҳамзаобод» маҳаллаларида истиқомат қиладиган 11 минг 200 нафар аҳолининг ҳам соғлиғидан доимо бохабар бўлиб туришади. Ушбу жамоада Раҳмонқул аканинг ўрни алоҳида. Ширинсухан ва самимий бу инсоннинг олдига кирган беморнинг чеҳраси ёришиб чиқади. Раҳмонқул Сувонқулов нафақат қўли енгил моҳир шифокор, балки жамоат ишларида ҳам кўпчиликка намуна. У ўзи яшайдиган «Оққўрғонлик» маҳалласи фуқаролар йиғини кенгаши аъзоси сифатида маҳалланинг тадбирларида фаол иштирок этиб, элнинг эътиборини қозонган.

Абдували ҚАРШИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри Миробод тумани ҳокимлигидан 2008 йил 10 октябрда № 003475 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган «BAXTIYOR BARAKA SAVDO» масъулияти чекланган жамияти **тугатилади**.

Даъволар бир ой муддатда қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: +99 897 716 78 80

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими жамоаси Урганч шаҳридаги 35-сон «Бинокор» маҳалласи оқсоқоли, меҳнат фахрийси

Қўзибой Қабуловни

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-39-89

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Т.Акбаров, Ф.Эгамова
Мусаҳҳиҳ: Г.Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz 15050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1113 Топширилди — 22.50 1 2 3 5